O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 19 (125)-сон, 2006 йил 11 май | www.21asr.com

3 СПОРТ
Бўлажак олимпиадачиларнинг навбатдаги форуми Сирдарёда

7 ИҚТИСОД
10 та компания, 15 та тижорат банки лизинг хизмати кўрсатмоқда

9 ХАЛҚАРО ҲАЕТ
Маҳмуд Аҳмадинажод америкалик ҳамкасбига мактуб йўллади

«... ЎЗ ТАРИХИНИ БИЛМАГАН ЖАМИЯТ ИСТИҚБОЛГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛНИ ТОПА ОЛМАЙДИ. ТАРИХГА БЕПИСАНД ХАЛҚНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ. КЎП АСРЛИК ТАРИХИ МОБАЙНИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚАНЧА БОСҚИНЛАРНИ КЎРМАДИ, МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ҚАНДАЙ БЎРОНЛАР ИЧИДА ҚОЛМАДИ, КИМЛАР БИЗНИ ТОБЕ ВА ҚАРАМ ҚИЛИШГА ИНТИЛМАДИ. АНА ШУ ТАРИХДАН САБОҚ ЧИҚАРМАСАК, ЭРТАГА КЕЧАГИ КУН КЎРГИЛИКЛАРИ ҚАЙТАДАН БОШИМИЗГА ТУШИБ ҚОЛИШИ ҲЕЧ ГАП ЭМАС. БОШҚАЧА АЙТГАНДА, КЕЧАГИ КУНДАН ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРИБ ИШ ТУТГАН ЖАМИЯТ КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАДАМ ҚЎЯДИ».

Тарих сабоғи

Юртбошимизнинг ана шу сўзларини тинглар эканмиз, мангуликка дахлдор бўлган буюк аждодларимизнинг руҳи поклари олдида қарздор эканлигимиз, ана шу қарзни узиш учун эса ҳамиша уйғоқ, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни теран англаб, дахлдорлик ҳисси билан яшамоғимиз лозимлигини яна бир карра ҳис этамиз.

Истиқлолгина бизга тарихимиз, буюк аждод ва авлодларимиз ҳақида тўғри сўз айтиш, "Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз?" деган саволни баралла ўртага қўйиш ҳуқуқини берди...

Мотамсаро она ҳайкали пойига тўшалган гуллар, қадрланаётган, эъзозланаётган умр, нуроний отахонлар ва мунис онахонларимиз нигоҳидаги шукроналик бебаҳо неъматдир.

Бугунги ёшларимиз ана шундай муносабатга гувоҳ бўлиб улғаймоқдалар. Тинчлик ва осойишталикнинг тенгсиз бойлик эканини ҳис этиб яшамоқдалар. Афғонистон, Ироқ заминидаги қирғинбаротлар, бузғунчи кучлар қўлида қўғирчоққа айланганлар юртида бир қултум сувини хотиржам ича олмаётган кексалар, она сутига тўйинмаган гўдаклар ҳақидаги маълумотлар, минг афсуски, шу кунлар ҳақиқатидир.

Дунёда ана шундай ғавғолар, талотўплар юз бераётган бир пайтда биз "Умид ниҳоллари"нинг ғалабаларини нишонлаяпмиз. Ана шундай бир пайтда биз ҳали у, ҳали бу давлатларнинг мартабали меҳмонлари билан янада кенгроқ кўламдаги фаровонликка хизмат қилгувчи шартномаларни имзолаяпмиз.

Ҳа, чиндан ҳам Юртбошимизнинг тарихдан сабоқ чиқариш ҳақидаги даъватлари бежиз эмас. Ён-атрофимизда ҳали-ҳануз мудрамоғимизни, лоқайдлик тўрига тушишимизни пойлаётган, тобе ва қарам бўлишимизни кутиб ётганлар борлигига яқин тарихимиз гувоҳдир.

Ўз танлаган йўлимиздан бизни қайтармоқчи бўлганлар қайтмаслигимизни, истиқлол неъматини ҳимоя қилишга кучимиз ҳам, қудратимиз ҳам етажагини англаб етганлар бизни ёмонотлиққа чиқаришга уриндилар. Бунёдкор ғояларга қарши фитна, ҳасад қарши қўйилди. Озод ва обод Ватан, осойишта ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этиш йўлидаги хатти-ҳаракатларимизни заифлаштирмоқчи бўлдилар. Аммо ниятларига етолмадилар. Бугун биз Хотира ва қадрлаш кунини бутун бир миллат бўлиб нишонладик. Қабристонларни зиёрат қилдик, кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олдик. Фарзандларимиз қўлидаги гуллар ота-оналаримизга, устозларимизга ҳадя қилинди... Аммо дунёнинг қаеридадир фарзандларимиз ёшидаги гўдаклар ўқ ёмғирлари остида кун кечираётганини эслаб, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик учун Яратганга шукроналар айтдик.

Авлодларимизга озод ва обод Ватан қолдириш, мактаблар, улкан иншоотлар, йўллар қуриш, янги кун кишиларини тарбиялаш, баркамол авлодни вояга етказиш юртимизда инсон қадри улуғлигидан далолатдир.

Хотира ва қадрлаш куни ана шу фазилатларни яна бир карра ёдимизга солди.

Фахрийлар эъзозда

Хотира ва қадрлаш кунида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам хайрия ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Улуғ байрам арафасида партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев раҳбарлигидаги партия фаоллари вилоятда бўлиб, сайловчилар билан учрашди, уруш фахрийлари хонадонларига бориб, уларни байрам билан табриклади, партия номидан эсдалик совғалари топширди.

■ **Ўз мухбиримиз**

Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган сиёсат, кекса отахон-онахонларимизга кўрсатилаётган эътибор, фарзандларимизнинг баркамол ўсишлари йўлидаги ғамхўрлик ҳақидаги мулоқотлар ана шу учрашувлар мазмунига айланди.

Ана шундай учрашувларнинг бирида меҳмонларни Сталинград жанги иштирокчиси, собиқ тиббиёт ҳамшираси, биринчи гуруҳ уруш ногирони Надежда Николаевна Тен қувонч билан кутиб олди. Суҳбат чоғида у ўзининг фронт ва меҳнат йўли ҳақида тўлқинланиб сўзлаб берди, мамлакатимизда уруш фахрийлари доимий ғамхўрлик билан қуршаб олингани учун чин юракдан миннатдорлик изҳор қилди.

Собиқ пулемётчи, гвардиячи сержант, биринчи гуруҳ уруш ногирони Иван Александрович Бухвалов яқинда 99 ёшга тўлди. У ногиронлар аравачасида ҳаракат қилса-да, ҳали тетик ва некбин. Партия раҳбарлари собиқ жангчини туғилган куни, шунингдек, Хотира ва қадрлаш куни билан муборакбод этишди, унга қимматбаҳо совғалар топширишди. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг вилоят кенгаши уни доимий оталиққа олганини маълум қилишди. Эртасигаёқ Иван Александровичга янги тўшак жилдлари ва зарур дори-дармонлар етказиб берилди.

Берлинда қабул маросими

Умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 61 йиллиги муносабати билан Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида ҳозирги пайтда Германиянинг турли шаҳарларида истиқомат қилаётган собиқ ватандошларимиз — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун қабул маросими уюштирилди.

■ **Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ, «Жаҳон» АА, Берлин**

Фахрийлар шаънига айтилган табрик сўзларида уларнинг собитлиги, жасур ва қаҳрамонликлари ҳамда ватанпарварлиги туфайли мамлакат бугунги бахтли, тинч ва осуда ҳаётга эришгани қайд этилди. Ушбу байрам муносабати билан Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчиси Б. Ғуломов собиқ ватандошларимизга нишон ва эсдалик совғаларини топширди.

Маросимга ташриф буюрган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари номидан сўзга чиққан З. Бибинова Ўзбекистонда ва хорижда яшаётган уруш фахрийларига бўлган эътибори учун республикамиз ҳукуматига катта миннатдорлик билдирди.

Фермерларга қулайлик

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 23 мартдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Нукус туманидаги боғдорчиликка ихтисослашган «Ўрнак» ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилди.

■ **НУКУС /ЎзА мухбири А.ОРТИҚБОЕВ/.**

Бу ерда фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи, уларга ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит, техника олиш, етиштираётган маҳсулотларини шартнома асосида сотиш, хорижга экспорт қилиш, меваларни қайта ишлашни ташкил этишга кўмаклашувчи агрофирма тузилди. Эндиликда фермерлар ҳар қандай муаммони шу ернинг ўзида ҳал этиш имконига эга.

Шунингдек, Нукус тумани ўрмон хўжалиги устахонасининг янги шохобчаси очилиб, мева териш ва сақлаш учун ёғоч қутилар ва бошқа зарур буюмлар ишлаб чиқарила бошлади. Нукус шаҳридаги «Тулпор» акциядорлик жамиятининг махсус бўлими эса фермерларга транспорт хизмати кўрсатишни ўз зиммасига олди.

Айни кунларда фермерлар 260 гектар майдондаги мевали боғ ва саккиз гектар токзор парвариши билан машғулдирлар.

Узоқ ва яқин хорижда

Россия Федерацияси

Президентнинг федерал кенгашга мактуби

Кеча Владимир Путин Кремлда Федерал Кенгашга йиллик мактуб билан чиқиш қилди.

Москва Кремлининг Мармар залида депутатлар ва сенаторлар, Конституциявий суд, Олий суд, Ҳакамлик суди раислари, бош прокурор, Марказий сайлов комиссияси раиси, Ҳисоб палатаси раиси, Давлат Кенгаши аъзолари ва асосий конфессияларнинг раҳбарлари тўпландилар.

Россия раҳбари ўз нутқида асосан учта соҳага алоҳида урғу берди. Булар оила, миллий хавфсизлик ва иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш масалаларидир.

«Ижтимоий жавобгарлик мансабдорларнинг ҳам, бизнес вакилларининг ҳам фаолияти асоси бўлиб қолиши лозим, - деди президент. — Улар Россия фаровонлиги ва равнақининг манбаи халқ эканлигини ёдда тутсинлар».

МДҲнинг бундан буён яшаб қолиши мақсадга мувофиқ ёки номувофиқлиги ҳақида баҳс-мунозара ҳамон тўхтагани йўқ, деди Путин. Биз биргаликда жуда кўп масалаларни ҳал этмоқдамизки, уларни биз учун ташқаридан ҳеч ким ечиб бермайди. Кўптомонлама ҳамкорлик иқтисодини ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш сингари вазифаларни самарали тарзда ҳал этиш имкони бермоқда.

АҚШ

Хато ахборот қимматга тушди



Коалиция кучлари Ироққа бостириб киришидан олдин бу ерда оммавий қирғин қуроллари мавжудлиги ҳақида тўпланган ахборот хато бўлган эди. Америка ҳарбий маҳкамасининг раҳбари Дональд Рамсфелд Пентагонда журналистлар олдида сўзга чиқиб, буни очиқ эътироф этди. «Разведка ҳамжамияти Ироқдаги вазиятни доимий равишда кузатиб борганди. Ахборотдан президент, мен, Колин Пауэлл, Кондолиза Райс хабардор бўлиб турганмиз. Бундай ахборот Конгрессга ҳам етказилган. Биз ҳаммамиз Ироқдан олган маълумотлардан бошқа мамлакатлар ҳам хабардор эди. Бироқ разведка ахбороти хато экан», – деди Рамсфелд матбуот анжуманида. Унинг сўзларига қараганда, разведка — мураккаб ва оғир иш. «Ҳеч қачон адашмаслик мумкин эмас. Шу боис ахборот нотўғри бўлиб чиқди. У бизни довдиратиб қўйди», — деб таъкидлади Пентагон раҳбари.

Эроннинг имкониятлари ва ниятлари ҳақидаги разведка маълумотларига доир саволга жавоб берар экан, Рамсфелд бундай деди: «Эронда биз ёпиқ жамиятга дуч келмоқдамиз. Шунинг учун ҳам ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз зарур».

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 9 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	939,82	1 Миср фунти	211,86	1 Польша злотийси	405,59	10Жанубий Корея вони	12,98
1 Англия фунт стерлинги	2267,01	1 Исландия кронаси	17,01	1 СДР	1805,22	10 Япония иенаси	108,30
1 Дания кронаси	208,17	1 Канада доллари	1103,12	1 Туркия лираси	925,73	1 Россия рубли	44,95
1 БАА дирхами	331,98	1 Хитой юани	152,19	1 Швейцария франки	994,19	1 Украина гривнаси	241,44
1 АҚШ доллари	1219,28	1 Малайзия рингги	338,22	1 ЕВРО	1551,53		

2006 йил 11 май
Пайшанба
19 (125) -сон
www.21asr.com
ASR

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ОДАМЗОТНИНГ энг буюк жасурликлари Ватанга муҳаббат туфайли юзага келган

ФОРУМ

Ватан остонадан бошланади

Сариосиё туманидаги болалар спорти мажмуасида туман ҳокимлиги, O`zLiDeP Сариосиё туман кенгаши ва ҳуқуқ-тартибот органлари биргаликда "Шу азиз Ватан — барчамизники" шиори остида форум ўтказдилар. Унда беш мингдан ортиқ йигит-қиз иштирок этди.

Холмўмин МАМАТРАИМОВ

Соат 16.30. Байрамона безатилган болалар спорти мажмуасида чорлов мусиқаси янгради. Туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Парда Маъдиев форумни очиқ деб эълон қилиб, унинг иштирокчиларини қизғин табриклади. Сўнгра мамлакатимиз мадҳияси ижро этилди. Шундан сўнг Ўзбекистон мусулмонлари идораси Сурхондарё вилоят бўлими имоми Алиакбар Сайфуддинов сўзга чиқиб, азиз Ватанни авайлаб-асраш, унинг қадрига етиш, юртга муносиб фарзанд бўлиш ҳар бир мусулмон инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди, форум иштирокчиларини огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этди.

Шу ўринда бир нарсани айтиш керак: мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятининг тоғли Сариосиё тумани иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан анча ривожланди. Саноат ва қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида мулкчиликнинг хусусий шакли пайдо бўлди. Замонавий усулда бунёд этилган коллеж ва мактаблар қад ростлади — ёшларнинг ўқиб, билим олишлари, касб эгаллашлари учун барча шароит яратилди. Деҳқончилик ва чорвачиликда фермерлик ҳаракати кенгайиб, пахта, ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда яхши кўрсаткичлар қўлга киритила бошланди. Айни пайтда туманда О"LiDePнинг олти мингдан ортиқ аъзоси ана шу соҳаларда баҳоли қудрат меҳнат қилиб, юрт ободлиги йўлида дадил одим ташламоқда. Айниқса, аср қурилиши дея ном олган "Тўпаланг сув омбори ва ГЭС қурилиши"да O`zLiDeP аъзоларининг алоҳида хизматлари бор. Ана шу йирик объектда айни пайтда мингдан ортиқ O`zLiDeP аъзоси меҳнат қилмоқда. Шунингдек, туманда мамлакатимиздаги етакчи партия аъзолари хайр-саховат ва ҳомийлик ишлари билан ҳам барчага ўрнак бўлишмоқда. Энг муҳими — тоғли туман аҳолисининг Ватанга, юртга меҳри ўзгача. Ана шу меҳр туйғуси уларни доимо изланишга, янгилик яратиш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширишга даъват этмоқда.

Форум ҳарбийлар, ёш спортчилар, маҳаллий ва пойтахт санъаткорларнинг концерт дастури билан якунланди.

Тадбирда O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Аҳмад Нарзуллаев, вилоят ҳокими ўринбосари Мавлуда Қобилова, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг масъул ходимлари иштирок этдилар.



O`zLiDeP аъзоси Михаил Киктев 100 фоиз овоз олди

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунига асосан сайловлар бўлиб ўтмоқда. Май-июнь ойларида ўтказилиши белгиланган тадбирлар жараёнида 10 мингдан ортиқ фуқаролар йиғини раиси, 100 мингга яқин маслаҳатчилар сайланиши лозим.

Феруза ЭГАМОВА

Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳаллада ўзини ўзи бошқариш органини шакллантириш юзасидан сайлов ўтказилди.

Ушбу маҳалла ўзининг ободлиги, кўчаларининг озода ва шинамлиги, баҳаволигию ўзгача файзи билан киши кўзини қувнатади. Бундай гўзал сокинлик ва озодалик маҳаллада ҳамма ишлар ўз ўрнида эканлигию аҳолининг аҳил ва тотув умргузаронлик қилишидан далолат, аслида. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, маҳаллада турли миллат вакиллари яшайди.

1935 йилда ташкил этилган мазкур маҳаллада 4800 нафар аҳоли бор. Тадбирда овоз бериш ҳуқуқига эга 3700 нафар фуқародан 120 нафар ваколатли вакил иштирок этди. Ишчи гуруҳ тавсиясига кўра, оқсоқолликка 3 нафар номзод кўрсатилди.

Ваколатли вакиллар биология фанлари номзоди Михаил Киктев, иқтисод фанлари номзоди Мўминжон Йўлдошев ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси Тошбек Жалилов учун овоз бериш имкониятига эга бўлдилар.

Аҳоли манфаатлари камситилмай, холислик ва тенглик тамойилларига амал қилинган ҳолда ўтказилган сайловда ваколатли вакиллар бир овоздан 2001 йилдан бери маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб, намунали фаолият кўрсатиб келаётган O`zLiDeP аъзоси Михаил Киктев номзодини қўллаб-қувватлашди.

Давлат ва жамоатчиликка кўрсатган хизматлари учун "Дўстлик" ордени билан тақдирланган бу инсон ҳақиқий равишда маҳалла аҳлининг катта ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган. Барча тўй-ҳашам ва маросимларда бош-қош бўлиб иштирок этадиган оқсоқолни маҳалла аҳли "Миша ака" дея еру кўкка ишонмайди.

Миша ака O`zLiDeP ташкил этилган дастлабки кунларданоқ партия сафига кириб, маҳаллада бошланғич партия ташкилотини тузишда жонкуярлик кўрсатган маслакдошимиздир.

ХОТИРА

Азалий ва абадий қадрият

Хотира - муқаддас тушунчадир. Зотан, инсон бор экан, унинг ўтмиши ва бугуни уйғунликда абадий бўлади.

Асхор ИСТАМОВ, "XXI asr" мухбири

Хотира деганда бухороликлар кўз ўнгида шу кўҳна заминда туғилиб ўсган, жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган Абу Хафс Кабир, Исо Ғунжорий, Салом Пайкандий, Исмоил ал-Бухорий, Ибн Сино, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Ревгарий, Хожа Маҳмуд Фагнавий, Саид Миркулол, Баҳоуддин Нақшбанд, Фахриддин Аттор, Хожа Ислом Жўйбори, Хожа Саъд сингари буюк бобокалонларимиз гавдаланади.

Хотира деганда биз инсониятни фашизм вабосидан қутқараман, деб жон олиб, жон берган ота-боболаримиз, шунингдек, афғон уруши қатнашчилари — навқирон йигитларимизни ҳам маҳзун эсга оламиз.

Хотира ва қадрлаш куни Бухородаги Сомонийлар номли истироҳат боғи эрта тонгданоқ уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари билан гавжум бўлди. Дастлаб марҳумлар хотираси ёдга олиниб, Қуръон тиловат қилинди. Сўнгра янгидан барпо этилган Хотира майдонига йўл олдилар. Бу ерда "Мунис она" ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни Бухоро шаҳар ҳокими Карим Камолов кириш сўзи билан очди.

Вилоят ҳокими Самойдин Ҳусенов тантанада сўзга чиқиб, ота-боболаримизнинг иккинчи жаҳон урушидаги жасорати ҳеч қачон унутилмаслигини, мард жангчиларнинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланишини таъкидлади.

Фашизмга қарши курашда ўзбек жангчилари ҳам алоҳида жасорат кўрсатишган. Машъум урушга бухороликлардан жами 74 минг киши сафарбар этилган эди. Улардан 30 минг нафарига она-юртга қайтиш насиб этмади. Уларнинг порлоқ хотираси эса ҳеч қачон унутилмайди. Собиқ фронтчиларни қадрлаш, ҳурматини жой-жойига қўйиш эса фарзандлик бурчимиз, кекса авлод олдидаги қарзимиздир.

Ҳайкал пойи анвойи гулларга тўлиб кетди. Унинг иккала томонида - бир-бирига рўбарў ҳолда қурилган нақшинкор айвонлар остида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан урушга отланган, қабрлари ўт-оловли жанггоҳларда қолиб кетган ўзбек ўғлонларининг номлари абадулабад зикр этилган ўндан ортиқ хотира китоблари — заррин саҳифалар ўрин олган.

Тантанали маросимда сўзга чиққан вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Тўлқин Аҳмеджонов, уруш ва меҳнат фахрийси Тўра Жўраев, Бухоро шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби директори Назокат Авезова, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти талабаси Муниса Болтаева ва бошқалар бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлиши, Ватан равнақи ва халқимиз осойишталиги учун ўзимизни ҳамиша сафарбар деб билишимиз лозимлигини таъкидлашди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Чунки фаровон ҳаётимиз учун ўз жонини қурбон қилган фидойи юртдошларимизнинг порлоқ хотираси бизни мудом шунга даъват этажак.

МУЛОҚОТ

Депутат билан учрашув

Бугунги кунда ахборот технологиялари шу қадар тез суръатларда ривожланмоқда-ки, жаҳоннинг нариги бурчагида содир бўлган воқеа ёхуд тарқатилган маълумот муайян сониялар ичида ер куррасининг иккинчи бир чеккасида акс-садо бераяпти. Инчинун, интернет аталмиш ахборотлар дунёсининг имкониятлари чексизлигини шундан ҳам кўриш мумкин.

Ўз мухбиримиз

Албатта, ахборот технологияларининг такомиллашуви ижобий ҳолат. Ҳар биримиз у орқали янгиликка, ахборотга бўлган эҳтиёжимизни қондирамиз, турли кашфиёт ҳамда сиёсий воқеалардан хабардор бўламиз. Бир яхшининг бир ёмони бор, дейдилар. Хориж оммавий ахборот воситалари ёки турли ташкилотларнинг интернет тизими ҳамда радио ёки телевидение орқали эълон қилинаётган маълумотлари, хабарларини таҳлил этадиган бўлсак, ҳаммасининг замирида мафкуралар манфаати ётганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Албатта, бу ахборотлар орасида мамлакатимиз шаънига нисбатан айтилаётган турли уйдирмалар, бўҳтонлар ҳам йўқ эмас. Буни ўтган йили рўй берган Андижон воқеалари ва унинг атрофида кечган ахборот хуружлари яққол кўрсатиб турибди.

Шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ўз вақтида қабул қилинганлиги билан алоҳида эътиборга молиқдир. O`zLiDeP ташаббуси билан мазкур қарор ижросига бағишлаб Кармана ва Навоий шаҳарларидаги қатор маҳаллалар, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган тадбирларда бир ярим минг киши иштирок этди.

Кармана тумани мусиқа мактаби мажлислар залида тўпланган қишлоқ ва маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг фаоллари, тадбиркор ва зиёлилар, ёшлар, аёллар, отахону онахонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Матлуба Бурҳонованинг маърузасини катта эътибор билан тинглашди.

Депутат ўз чиқишида дунёда авж олаётган ғоявий урушларга тўхталаркан, айрим фуқароларимиз билиб-билмай ғараз ниятли кучларнинг ноғорасига ўйнаётгани, бундай кишиларни тўғри йўлга солиш, хатти-ҳаракатлари миллат, халқ, умумдавлат манфаатларига зид эканини кенг тушунтириш лозимлигини таъкидлади. Бинобарин, жойларда маънавий-маърифий в а тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, турли кўринишдаги бузғунчилик уринишларига қарши изчиллик билан кураш олиб бориш диққат марказида бўлиши лозим. Шунингдек, учрашувда маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини уюшқоқлик билан ўтказиш, етакчиликка энг муносиб кишиларни танлаш лозимлиги хусусида муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маруза юзасидан O`zLiDeP аъзоси, Навоий педагогика коллежи директори, доцент Олим Сувонов, Янгиариқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Азим Жабборов, O`zLiDeP Кармана туман кенгаши раисининг ўринбосари Баҳриддин Убайдуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, мустақиллик манфаатларини ҳимоя қилиш, Ватан мудофааси, юрт осойишталигини таъминлаш учун барча куч ва имкониятлардан фойдаланиш лозимлигини таъкидладилар.

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Жиззах. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" номли асарида: "Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Маънавиятини тиклаш, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак. Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон", — деб таъкидлаган эдилар. Ёшларимизни ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий-маънавий мероси билан яқиндан таништириш, уларни қадрлаш, эъзозлаш, миллатимиз тарихига нисбатан юксак ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини юксалтириш мақсадида O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши томонидан кўплаб учрашув ва мулоқотлар ташкил этилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Жиззах шаҳар тиббиёт коллежида бўлиб ўтди. "Икки авлод учрашуви" деб номланган мазкур тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, вилоят ва шаҳар партия кенгашлари фаоллари, тадбиркорлар, фермерлар ҳамда 300 дан зиёд талаба-ёш иштирок этишди. Сўзга чиққанлар аждодларимизнинг миллатимиз равнақи йўлида олиб борган курашлари, шўролар даврида ўзбек халқининг озодлиги учун жонини фидо қилган миллатпарвар дарғаларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапириб, уларнинг порлоқ хотирасини ҳамиша чуқур ҳурмат-эҳтиром билан ёдга олиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини алоҳида таъкидладилар.

• • •

Тошкент шаҳри. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси "Ёшлар қаноти" Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда Ёшлик талабалар шаҳарчасида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ёшларни Ватан тақдири ва эл-юрт манфаатлари атрофида жипслаштириш, аждодларимизнинг порлоқ хотирасини ёд этиш мақсадида **"Ватан манфаати — барча учун муқаддас!"** шиори остида ёшларнинг оммавий фестивалини ўтказди.

Тадбирда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси фаоллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар Хотира ва қадрлаш кунининг ёшларимиз орасидаги тарбиявий аҳамияти, юрт тинчлиги йўлида ўз жонидан ҳам кечган ватандошларимиз хотираси ёшлар қалбида абадий сақланиши лозимлигини таъкидладилар. Фестивалда таниқли сўз усталари ва истеъдодли санъаткорлар чиқишлар қилишди.

Партиянинг Сирғали туман кенгаши фаоллари ҳам Хотира ва қадрлаш кунини муносиб нишонладилар. Ушбу тадбирга "GREEN WORLD" қўшма корхонаси ва "12-автосарой" ОАЖ мутасаддиларининг бевосита ҳомийликлари остида 20 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари "Шаҳидлар хотираси", "Хотира хиёбони" мажмуаларига зиёрат уюштирдилар.

Тадбирлар жараёнида "Икки авлод" учрашуви ташкил қилиниб, унда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси З. Убайдуллаев ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий-маънавий мероси ҳақида батафсил фикр юритди ҳамда уларни қадрлаш, эъзозлаш, миллатимиз тарихига нисбатан ёшлар онгида юксак ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини шакллантириш лозимлигига алоҳида урғу бериб ўтди.

Тадбир якунида бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийларига "GREEN WORLD" қўшма корхонасининг совғасаломлари топширилди.

• • •

Тошкент вилояти. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан O`zLiDeP Тошкент вилоят ва Қибрай туман кенгашлари ташаббуси билан "Янгийўл" маҳалласидаги "Оталар чойхонаси"да "Саховат — умр безаги" мавзуида байрам тадбири ўтказилди.

Партиянинг пенсионерлар, айниқса ногиронларни аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашнинг амалий тизимини шакллантиришга қаратилган мақсадидан келиб чиқиб, олий қадриятларимиздан бири бўлмиш инсонни эъзозлаш, меҳр-мурувват кўрсатиш, ўтганларни хотирлаш каби эзгу фазилатларни янада тарғиб этишга бағишланган тадбирда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Тошкент вилоят ва Қибрай тумани партия кенгашлари фаоллари, бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этишди.

• • •

Қорақалпоғистон. Хўжайли туманида уруш ва меҳнат фахрийси Мурот Маҳмутов хотирасига бағишлаб спортнинг югуриш ва ўқ отиш турлари бўйича "Ёзги биатлон" турнири ўтказилди.

Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикасининг 12 туманидан 14 та жамоа иштирок этди. 1-ўрин тахиатошлик биатлончиларга, 2-ўрин Хўжайли тумани, 3-ўрин Хўжайли туман "Меҳрибонлик уйи" жамоаларига насиб этди. Ғолибларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда "ФАЙЗ-МАРКЕТ" фирмаси томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совринлар топширилди.

• • •

Фарғона. Олтиариқ туманидаги 4-иқтидорли болалар мактабида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган форум бўлиб ўтди. Унда 300 дан ортиқ ўқувчи ва ҳомий ташкилотлар иштирок этди. "Соғлом авлод — Ўзбекистон келажаги" шиори остида ўтказилган мазкур тадбир доирасида ўқувчиларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришга қаратилган қатор танловлар, викторина ва интерфаол машғулотлари ташкил этилди.

Форум якунида ҳомий ташкилотлар томонидан 10 та номинация бўйича 50 дан ортиқ ўқувчига совринлар топширилди. Хусусан, О"zLiDeP туман кенгаши "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" ўқувчиларнинг партиямиз дастурий ғояларини тарғиб қилишдаги фаол иштирокини ҳисобга олиб, "Энг аълочи ўқувчи" стипендиясини жорий қилиш таклифи билан чиқди.

РУҲ қалъасини сақлаб қолиш учун жисм қалъасини мустаҳкамлаш зарур

БОЛАЛАР СПОРТИ

Катта спорт байрами

ташкилий жиҳатдан пухта, кўтаринки руҳда ва юксак савияда ўтди

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан оқ Юртбошимиз ташаббуси билан болалар спортини ривожлантириш умумдавлат сиёсатига айланди. Бугун эса ёшларга кўрсатилган ғамхўрлик самараси ўлароқ, мамлакатимиз ёш спортчилари халқаро турнирларда нималарга қодир эканликларини намоён этмоқдалар. Республикамизда спортни янада ривожлантириш мақсадида спорт мажмуалари, стадионлар, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари бунёд этилиб, улар ҳузурида спорт-соғломлаштириш клублари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Қарши шаҳрида бунёд этилган Олимпия захиралари спорт коллежи архитектураси ва қамрови жиҳатидан мамлакатимизда тенгсиз ҳисобланади.

■ **Зумрад АБРОРОВА, Сайфулла ИКРОМОВ, Сайёра ТУРҒУНБОЕВА, «XXI asr» мухбирлари**

МЕНИНГ ДАЪВАТИМ — ХАЛҚИМИЗНИНГ АНА ШУНДАЙ ЭЪТИБОРИ ВА ҒАМХЎРЛИГИГА ҲАМИША МУНОСИБ БЎЛИНГ, ЖОНДАН АЗИЗ ВАТАНИМИЗНИ, УНИНГ ОЗОДЛИГИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАБ-АВАЙЛАШ, ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚОДИР ФИДОЙИ, БАРКАМОЛ ИНСОНЛАР БЎЛИБ ЕТИШИШГА ИНТИЛИБ ЯШАНГ. УНУТМАНГ-КИ, ОТА-ОНАЛАРИНГИЗ, УСТОЗ-МУРАББИЙЛАРИНГИЗ, БУТУН ХАЛҚИМИЗ СИЗЛАРГА ИШОНАДИ, СИЗЛАРНИ БИЗ БОШЛАГАН БУЮК ИШЛАРНИНГ ДАВОМЧИЛАРИ, ҲАЁТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ТАЯНЧИМИЗ ВА СУЯНЧИМИЗ, ДЕБ БИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригидан

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш дастури доирасида ёшлар ўртасида мусобақалар ташкил этиш ва ўтказишнинг доимийлигини таъминлаш мақсадида уч босқичдан иборат узлуксиз тизим амалга оширилмоқда. Бу умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари", касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар талаба-ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги "Универсиада" мусобақаларидир. Ёшларнинг барча қатламларини қамраб олувчи ушбу босқичлар юрт келажаги учун соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг куч ва имкониятларини фойдали, мазмунли машғулотларга йўналтириш, курашларда чиниқтириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш ва ғалабага интилиш фазилатларини шакллантириш, бошқача айтганда, спортни ёшларнинг ҳаётий эҳтиёжига айлантириш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Қарши шаҳрида бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари "Умид ниҳоллари — 2006" спорт мусобақаларининг финал босқичи ҳам бунинг ёрқин далилидир. Вилоятда мусобақаларнинг юқори савияда ўтиши учун барча шароит яратилди. Масалан, аввалги мусобақалар вилоят ва туман марказларида ташкил этилган бўлса, бу йилгиси фақат вилоят марказида ўтказилганлиги ташкилотчилар, ҳакамлар ва мусобақа иштирокчилари учун қулайлик туғдирди.

5 май куни байрамона безатилган янги стадион мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлар билан тўлди. Паркентдан Қаршига йўл олган машъалани дзюдо бўйича 3 карра мамлакат чемпиони Хуршида Бобошова ва самбо бўйича 5 карра мамлакат чемпиони Беҳзод Сатторовлар ёқишди. Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янгради. Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев анжуман иштирокчиларини муборакбод этиб, уларга муваффақиятлар тилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг мусобақа иштирокчиларига табригини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг катта байрам дастури намойиш этилди.

Мусобақалар шаҳардаги барча қулайликларга эга бўлган спорт иншоотларида ўтказилди. Сузиш, бадиий гимнастика, кураш, белбоғли кураш, қўл тўпи, спорт гимнастикаси баҳслари Олимпия захиралари спорт коллежи ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида олиб борилган бўлса, стол тенниси, баскетбол, волейбол, шахмат, енгил атлетика мусобақалари Қарши ахборот технологиялари, Банк, Нуристон касб-ҳунар коллежларининг яқиндагина фойдаланишга топширилган янги стадионларида ўтказилди. Футбол мусобақалари эса Қаршидаги "Насаф" ва "Динамо" стадионларида бўлиб ўтди.

Олимпия захиралари коллежининг манежида ўтказилган кураш мусобақалари барчада катта қизиқиш уйғотди. Умумжамоа ҳисобида қашқадарёлик ёшлар ғолибликни қўлга киритган бўлсалар-да, бошқа вилоятлардан келган ўқувчилар ҳам чемпион бўлиш учун астойдил беллашдилар. 50 кг. вазнда самарқандлик Темирхон Тўраев, 55 кг. вазнда қашқадарёлик Фурқат Жавлиев, 60 кг. вазнда хоразмлик Ражаббой Ражабов, 71 кг. вазнда самарқандлик Бектош Сафаров, 77 кг. ва ундан юқори вазнларда бухоролик Фарҳод Исаев ва қашқадарёлик Наим Жумаев олтин медалларни қўлга киритдилар. Миллий курашда қашқадарёлик Наим Жумаев 24 секундда, белбоғли курашда эса сирдарёлик Ҳамза Маматов 28 секундда соф натижага эришиб, "Энг тез ғалаба" номинацияси бўйича мукофотга сазовор бўлишди.

Қашқадарёлик ёш футболчилар воҳада футбол яхши ривожланаётганлигини амалда исботладилар.

— Биз Фарғонада 9, Хоразмда 7-ўрин билан кифояланган бўлсак, бу йилги баҳсларга катта тайёргарлик кўрганлигимиз боис рақибларга имкон қолдирмадик, — дейди Нодир Давлатов. — Дўстларим билан фақат ғалаба учун майдонга тушдик. Эришилган ютуғимизда жамоамиз бош мураббийи Борис Серостановнинг хизматлари катта. Ярим финалда Фарғона жамоасини 5-0 ҳисобда енгган бўлсак, финалда қорақалпоғистонликлар билан рўпаръ келдик. Аббос Шодмонов, мен (2 та), Сардов Расулов киритган тўпларга рақибларимиз 1 та гол билан жавоб қайтаришди, холос.

Сузиш мусобақаларида эса ёш спортчилар томонидан 25 та мусобақа рекорди ўрнатилди. Биринчи ўрин Тошкент, иккинчи ўрин Навоий, учинчи ўрин эса Андижон вилояти ёшларига насиб этди. Тошкент шаҳридан келган Александр Осипов, Нодира Олимжонова, Юлдуз Қўчқорова, Сергей Паньков, Ольга Гнедовская, навоийлик Ибрагим Назаров, Пётр Ромашкин, Даниил Тулупов ва Илья Шароваринлар бир нечта тур бўйича муваффақият қозондилар.

Бадиий ва спорт гимнастикаси бўйича Тошкент шаҳри вакиллари мутлақ ғолиб бўлишди. Эвелина Калишер, Инора Сатторова, Комила Тўхтаева, Вероника Есипова, Марта Ростобурова ва Азиза Мамажонова олтин медаллар билан тақдирландилар. Иккинчи ва учинчи ўринларни Хоразм ва Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари вакиллари эгаллашди.

Бадиий гимнастика бўйича Хоразм вилоятида ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида қайд этилган натижаларга нисбатан бу йил Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Навоий, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси спортчиларининг кўрсаткичлари қарийб 2 баробар юқори бўлди. Сузиш бўйича Сирдарё, Навоий, Тошкент вилоятлари қизлари, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ўсмирлари аввалги ўйинлардаги кўрсаткичларни янгиладилар. Спортнинг баскетбол, волейбол, қўл тўпи мусобақаларида эса Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилояти ёш спортчилари илк бора йирик ҳисобда ғолибликни қўлга киритдилар.

— Қашқадарёда биринчи бор бўлишим, — дейди бадиий гимнастика бўйича кумуш медаль совриндори, бухоролик Зарема Самадова. — Дугоналарим билан воҳанинг кўплаб шаҳарларида бўлдик. Бу ернинг бетакрор табиати менга жуда ёқди. Дам олиш соатимизда концерт, ҳужжатли фильмлар томоша қилдик, таниқли ижодкорлар билан учрашдик. "Умид ниҳоллари" ва Қашқадарё хотирамда бир умрга муҳрланиб қолади, десам, янглишмайман.

"Умид ниҳоллари — 2006" мусобақаларининг мутлақ ғолиби деб Тошкент шаҳри ўқувчилари топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари ёшлари сазовор бўлишди. Ғолибларга мусобақанинг олтин, кумуш ва бронза медаллари ҳамда Президент совғаси — "Дамас" автомобиллари топширилди.

— Ўзининг 2700 йиллигини нишонлаётган Қарши шаҳрида республика мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари - 2006" мусобақалари финал босқичининг ўтказилиши биз учун фахр, шу билан бирга зиммамизга катта масъулият юклади, — деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Сайдалиев. — Мусобақа ғолибларига биз ҳам ўз совғаларимизни туҳфа этдик. Спорт мустақил инсонни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Партиямиз ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида ўнлаб беллашувларни ташкил этишга кўмаклашаяпти. Мақсад миллатимиз келажаги, юртимиз ифтихори бўладиган Ўзбекистон чемпионларини кашф этишдир.

"Умид ниҳоллари — 2006" спорт мусобақаларининг ёпилиш маросими ҳам чиройли ва кўтаринки руҳда ўтди. Байрам тантанасида минглаб ёшлар иштирокида тайёрланган бадиий композицион кўринишлар, эстрада хонандаларининг концерт дастури мусобақалар иштирокчиларига кўтаринки руҳ, хуш кайфият бахш этди. 8 май куни "Умид ниҳоллари - 2006" мусобақалари тантанали равишда ёпилиб, мусобақанинг навбатдаги босқичи Сирдарё вилоятида ўтказилиши эълон қилинди.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ—2006»

ТАДБИР УЧРАШУВ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Дастурида хусусий мулкчилик асосидаги кўп қиррали иқтисодиётни шакллантириш, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига кенг эътибор қаратилган.

Мулкдор ҳуқуқлари — дахлсиз

■ **Ўз мухбиримиз**

O`zLiDeP ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази, Тошкент шаҳар савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир мамлакат раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан (2006 йил 26 апрель) келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишланди. Унда Давлат мулки қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, партия вакиллари ҳамда Тошкент шаҳридаги йирик корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар мазкур ҳужжат мулкчилик муносабатларини чуқурлаштиришда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб, йирик корхоналарни хусусийлаштиришга оид ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини жадал ривожлантириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди. Очиғини айтиш керак: соҳада ўз ижросини кутиб турган муаммолар ҳам йўқ эмас. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари баъзи ҳолларда мансабдор шахслар томонидан поймол этилмоқда. Бўш бинолар, ер майдонларидан фойдаланиш талаб даражасида эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг методология, таҳлил ва статистика бош бошқармаси бошлиғи Ахтам Далиев ўз чиқишида ана шу каби масалалар атрофида фикр юритди.

Тадбирда хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, уларнинг фаолият доирасини янада кенгайтириш юзасидан O`zLiDeP олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг партиянинг маънавий-мафкуравий соҳага оид белгиланган дастурий мақсад ва вазифаларини самарали амалга ошириш, аҳоли ўртасида миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш, дунёда ва ён атрофимизда содир бўлаётган сиёсий жараёнларга нисбатан юртдошларимизда онгли муносабатни, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш жараёнида партия тузилмаларининг иштироки ва таъсирини кучайтириш мақсадидаги қарорига мувофиқ, жойларда турли оммавий тадбирлар ўтказилмоқда.

Жонли мулоқотлар

■ **Ўз мухбиримиз**

Партия фаоллари, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари иштирокида ўтказилаётган учрашув ва мулоқотларда "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорнинг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилмоқда.

Куни кеча ана шундай учрашув Бухоро вилоятининг бир қатор ўқув муассасалари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона ва ташкилотларда бўлиб ўтди. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ҳамда вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасида ўтказилган йиғилишларда сўзга чиққан Олий Мажлис O`zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимов тадбирга тўпланганлар эътиборини маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини ошириш учун биринчи галдаги ишларга қаратди.

Шунингдек, бир қатор қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли билан ўтказилган мулоқот ва учрашувлар чоғида ҳам Юртбошимизнинг юқорида эслатиб ўтилган қароридан келиб чиқадиган вазифалар, айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига пухта ҳозирлик кўриш бўйича аниқ фикр-мулоҳазалар билдирилди. O`zLiDeP аъзолари бўлажак сайловда фаол қатнашиб, ушбу партия томонидан кўрсатилган номзодларнинг маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги масъул лавозимларга сайланишлари учун жонбозлик кўрсатишлари талаб этилади. Шундагина омма орасида O`zLiDePнинг обрў-эътибори ва нуфузи янада ошади.

Бухоро шаҳридаги А. Ғиждувоний номли МФЙ, Ширбудун ҚФЙ, Жондор ва Бухоро туманларидаги бир қатор қишлоқ фуқаролар йиғинларида ўтказилган ўзаро мулоқотлар чоғида ҳам берилган турли мавзулардаги саволларга Насим Алимов атрофлича жавоб қайтарди.

2006 йил 11 май
Пайшанба
19 (125) -сон
www.21asr.com
XXI ASR

ХОРИЖ ВА БИЗ

ФАҚАТ одамзот бахти учун қилинган меҳнатгина чинакам ва боқий шуҳрат келтириши мумкин

КАСАНАЧИЛИК

Каштадўз қалбидаги қўшиқ

Ҳилолани кунчиқар мамлакатидан қадимшунос олима Эми Махори сўраб келганида кўпчилик ҳайрон бўлганди. Аслида Японча оҳангини демасангиз, ўзбекчада бемалол сўзлайдиган меҳмон. Эътиборга молик томони шундаки, у мустақиллик даврида дунёга овоза бўла бошлаган ўзбек халқ амалий санъати, айниқса миллий каштачилигимизнинг ихлосманди ва билимдони экан.

ЮРТБОШИМИЗНИНГ КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАРМОНИ ШОФИРКОНДАГИ «ҲИЛОЛА» КИЧИК КОРХОНАСИ РАҲБАРИ ҲИЛОЛА ТЎҚСАНОВА ВА УНИНГ ҲАМКАСБЛАРИ УЧУН ЯНАДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТАДИ.

Эшмурод БОБОМУРОДОВ, «XXI asr» мухбири

Аввало, япон олимасининг Токиодек машҳур шаҳардан она-диёримиздаги чекка бир қишлоқ — Котиёнга келишига сабабчи бўлган Ҳилола Тўқсанова, унинг каштачилик ҳунари, мақсад ва интилишлари, қувонч ва ташвишлари тўғрисида икки оғиз сўз.

Каштадўзлик — Ҳилола учун тақдир инъом этган касб-ҳунар. Негаки, у Бухоро давлат университетида бадиий графика, тўғрироғи — халқ амалий санъати "сир"ларини синчиклаб ўрганаётганди ўшанда. Зийрак қиз қалбида борабора ушбу халқона санъатнинг каштачилик турига оловдай иштиёқ уйғонди. Хуллас, у Шарқ аёллари, айниқса маҳаллий қиз-жувонлар учун бирдай севимли ва ардоқли бўлган бу ҳунарни пишиқ-пухта эгаллашга киришди. Аввалига дарсликлар ва моҳир каштадўзлар тажрибаси орқали бу соҳанинг назарий асосларини чуқур ўрганди. Йўл-йўлакай амалиётни ҳам изчил уйғунлаштириб борди. Бу борада унга, айниқса, етти пушти каштадўз ўтган, республика бўйича "Энг яхши тадбиркор аёл" мақомига эришган Зуҳро Облобердиеванинг "Бухоро каштачилик санъати" китоби муҳим дастуриламал бўлди.

Ҳилола Тўқсанова 1994 йилдан буён Шофирондаги 40-мактабда меҳнат, расм-чизмачиликдан сабоқ бераётир. У халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати ва каштачилик тўгараклари раҳбари ҳамдир.

— Менга иқбол ҳар томонлама кулиб боққан, — дейди у мамнуният билан. — Тақдирни қарангки, юз ёш билан юзлашса-да, туғма қобилияти ва "Биби каштадўз" деган ном билан машҳур Нурбиби момога келин бўлиб тушдим. Шу ҳунарпеша ва у кишининг "ўн бармоғи — ўн ҳунар"ли қизи (қайнонам) Шарофат Хўжаевадан ипакнинг табиий бўёқларидан фойдаланиш ҳамда каштадўзликнинг ноёб усуллари — "заминдўзи", "хондўзи", "кандахаёл", "қарсдўзи", "чилликдўзи", "долдўзи" санъатини обдон ўргандим.

1997 йил 31 мартда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Оддий меҳнат аҳли ҳақида ғамхўрлик руҳи билан суғорилган Фармон барча ҳунармандлар қатори қалби эзгуликларга лиммо-лим каштадўз Ҳилола Тўқсановага ҳам кенг ва ойдин йўл очиб берди. Ўшанда у якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганди. Ушбу Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори туфайли яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, устоз-шогирдлик йўналиши асосида қатор каштадўзлар тайёрлади. 2001 йил 2 февралда "Ҳилола" кичик корхонасини очгач, улардан энг саралари ишга қабул қилди. Ўшандан бери Лайло Алиева, Муҳаббат Жумаева, Лобар Йўлдошева, Зилола ва Ирода Юсуповалар, Сабоҳат Ражабова ўз уйларида кашта тикиб, "Ҳилола" корхонасига тайёр маҳсулот топширадиган ва тегишлича иш ҳақи оладиган бўлишди.

Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, изланувчи раҳбарнинг дастлабки умидлари ушала бошлади. Энди баландроқ парвозга шайланса ҳам бўлар эди. Банкдан 1 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, корхона фаолиятини давр талаб-эҳтиёжи асосида анча кенгайтирди. Уй ҳунармандлари учун яхши шарт-шароит яратди. Булар тезда кутилган натижаларини берди. Энди у нафақат маҳаллий, балки хорижнинг нозик дидли харидорлари талабига мос каштачилик буюмлари тайёрлашга эришди. 2002 йилда Тошкент халқаро амалий санъат кўргазма-савдо ярмаркасида қатнашди. Бу кўргазма унга яхшигина муваффақият келтирди ва муҳим сабоқ ҳам берди.

Алматида ўтган шундай кўргазма-савдо ярмаркасида Ҳилола Тўқсанова нуфузли ўрин (соврин)га сазовор бўлди. Айниқса, сўзана ва замонавий хонимларга мўлжалланган шарфлар Япония, Франция, Туркия, Исроил ишбилармонларининг эътиборини тортди. Ўшандаёқ Токио халқаро ҳунармандчилик санъати буюмлари кўргазма-савдо маркази раҳбари Ичеро Каназари "Ҳилола" корхонасининг доимий ва энг катта буюртмачисига айланди. Бу тўғрида узоқ муддатли шартнома имзоланди.

— Шофиркон каштачилик санъатида ўзига хос белгилар — ҳаворанг, кулранг, бинафша, пушти, очсариқ ранглар, албатта, қизил, жигари, кўк (иссиқ) ранглар билан моҳирона уйғунлаштирилади. Ёки тўқ зангори ҳаво рангга, сариқ тилла рангга, қирмизи оч малла рангга яқин тикилади. Натижада булар камалак сингари товланиб, кўзга завқ бағишлайди. Битта сўзанада 14, ҳатто ундан ҳам кўпроқ ранг-тусли ипак кашталар жило топади, — дейди Ҳ.Тўқсанова.

Ана шундай кунларнинг бирида япон олимаси Эми Махори "Ҳилола" каштадўзлари ҳузурига кириб келди. У бир неча кеча-кундуз шу ерда илмий кузатишлар олиб боргач, қуйидагиларни таъкидлади:

— Мен ҳозиргача Марғилон атласчилари, Тошкент ва Самарқанд чиннисозлари, Риштон ва Ғиждувон кулоллари, Шаҳрисабз ироқи каштадўзлари фаолиятини бирма-бир ўргандим. Эндиги асосий эътиборим Шофиркон каштачилик мактабига қаратилган. Бу ҳақдаги илк маълумотларни Токиодаги халқаро ҳунармандчилик санъати буюмлари кўргазма-савдо маркази ва Японияниг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллигидан олгандим. Мана, энди мутлақо амин бўлдимки, сизларнинг қадимий каштачилигингиз нафақат ўз халқингиз, балки барча Шарқ ва бутун дунё халқлари учун беқиёс аҳамият ва қадр-қимматга эга. Ҳатто унинг «илдиз»лари Буюк ипак йўлига бориб туташади. Шу боис мен халқ амалий санъати, айниқса миллий каштачилигингиз тарихи, унинг ўзига хос ранг-бўёқлари, нақш-гуллари, тикилиш усуллари, турлари ва уларни аслидай қайта тиклаш йўллари ҳақида докторлик илмий-тадқиқот иши олиб бораяпман.

Қаранг: дунёнинг у четида туғилиб-ўсган, бой илмий салоҳият, дунёқараш ва маҳоратга эга япон аёлининг халқимиз ҳунармандчилиги, хусусан, каштачилигимизга ихлос-эътиқоди шу қадар юксак бўлса-я!

У тумандаги энг моҳир каштадўзлар Зуҳро Облобердиева, Олия Нуруллаева, Ҳилола Тўқсанова ва уларнинг издошлари илмий назардан батафсил ўтказди. Бунга бутун ўзлигини бағишлади. Ва айрим хулосаларини мана бундай баён этди:

— Мен шофирконлик касаначиларнинг айнан бир кунлик фаолиятининг ҳамма қирраларини ипидан-игнасигача ўрганиб, баҳолаб чиқдим. Негаки, ҳимояга тавсия этилаётган, ҳатто Санкт-Петербург халқаро этнографик, Берлин халқшунослик, Москвадаги Шарқ маданияти музейларининг жаҳонга номдор олимлари бажонидил маъқуллаётган илмий ишларим марказида мана шу ҳаёт ҳақиқатлари мустаҳкам ўрин олишини истайман. Чунки миллий каштачилик — шу халқ амалий санъати маҳсули. Унинг ноёб намуналарини аслида ҳақиқий қалбдан куйланаётган ҳаёт қўшиқларига қиёс этгуликдир. Негаки, кашта тикаётганда ўзбек аёллари ўз ҳунари жозибасидан беҳад завқланаркан. Шу жараёнда баъзан уларнинг ўша қўшиқларида куйланаётган жўшқин ва мунгли оҳанг (ҳис)лар бевосита каштагул-нақшларига ҳам кўчаркан. Шундай бўлгач, ушбу кашта — унинг моҳирона тикувчиси дил-дилидан нурланиб чиқаётган мангу қўшиқ ифодаси эмасми? Ҳа, унда ҳаммаси бор: Ўзбекистоннинг бой табиатига хос ранглар ҳам, мусаффо осмондаги ой, қуёшга ўхшаш нур ва ҳарорат ҳам, шарқона ҳаётга монанд пурмаъно ва сеҳрли оҳанглар ҳам... Фақат уларни яққол кўра билиш, чуқур ҳис этиш, нуқтадонларча уқа олиш лозим.

Биз япон аёлларимизни чинакам меҳнаткаш, турмушга зукко назар билан қаровчи фидойи инсонлар, деб биламиз. Йўқ, мен айнан шу миллат вакиласи сифатида чинакам ишонч ҳосил қилдимки, каштадўз ўзбек аёллари бизлардан ўтса, ўтарканки, заррача қолишмас экан.

Яна биз японларда: "Кашта бор уйга қарғиш кирмайди" деган ақида-тушунча ҳукмрон. Мен бунинг асл моҳиятини, Ҳилола ва унинг касаначилари зеб бераётган кашталарга синчиклаб назар солганда чуқур фаҳмладим. Уларнинг ҳар бирида такрорланмас ҳаёт ҳақиқати мужассам. Мана, улар қўлидан чиққан (ҳар биридан ўнлаб нусха) дастрўмол ё белбоғ, ёстиқ ёки чойшаб, жойнамоз ёки сўзана... Менимча, буларнинг ҳар бири алоҳида аҳамиятга эга. Ол-а, муболаға ҳам эви билан-да, дерсиз? Ҳа, уларнинг ҳар қайсиси ўзгача маҳорат ва иштиёқ билан битилган бир мустақил асарга тенг. Негаки, бири иккинчисига ўхшамайди. Яъни бир гулнақшли (ҳатто ранг-тусли) бўлса-да, иккинчисининг юз фоиз такрори бўлмайди. Унга кимдир (ўз қараши ва маҳорати билан) ниманидир қўшиб, мукаммаллаштириб, сифатини ошириб боравергани аён (Гарчанд, тикиш услуби, ранг-бўёқлари, буюм тури бир хил бўлса ҳам). Битта мисол: анор пўсти бўёғига ўхшаш бу ипак-кашталар, ҳатто юз йилда ҳам тусини ўзгартирмас, тўкилиб кетмас экан. Буни тарихий ва замонавий далиллар асосида аниқ исботладим.

Эми Махори юртига ана шундай хулосалар билан қайтди.

Айни ўша кунларда Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатда касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги фармони чиқди. Ҳилола Тўқсанова уй каштадўзларини қонуний касаначилар сифатида қайта шартнома асосида рўйхатдан ўтказди. Орадан кўп ўтмай, Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан давлат дастури эълон қилинди. Бу иккала ҳужжат ҳам Ҳилола Тўқсанова фаолиятига янгича маъно-мазмун бағишламоқда. Биринчидан, Эми Махорини қойил қилган касаначилар қаторига янгилари — ўзининг қишлоғидан Гулнора Изомова, Гулчирой Хўжаева, Қумбости, Келачи, Додбоғни қишлоқларидан Зулайҳо Аҳадова, Дилнавоз Пўлатова, Дилафрўз Шодмонова, Малика Солиевани ишга олди. Булар аслида синашта, ўз қўлида тарбия топган ва каштадўзликни миридан-сиригача биладиган ёшлардир. Шу туфайли "Ҳилола" корхонаси ишлари янги поғонага кўтарила бошлади.

Иккинчидан, "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси Ҳ. Тўқсанова қўни-қўшни ва атрофдаги айрим эҳтиёжманд оилаларга саховат кўрсатишга эътиборни оширди. Масалан, Наврўз куни бутун қишлоқ аҳлини ҳовлисига чорлаб, сумалак сайли ўтказди. Қишлоқ болалари ўқиётган мактаб кутубхонасига янги китоблар сотиб олиш учун 500 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Додбоғнилик каштадўз қиз Озода Тоҳировани ишга олаётиб, унинг оиласи анча ночор аҳволда эканидан хабар топди. Шу туфайли ўша кундан янги каштадўзга алоҳида ғамхўрлик кўрсата бошлади. Озодага ойлик иш ҳақидан ташқари оила эҳтиёжи учун қўшимча 40-50 минг сўмдан ёрдам бериб келаётир.

Ҳаммадан қувончлиси — Ҳилола Тўқсанова "Ташаббус-2006" кўрик-танловининг туман босқичида ҳунармандлик бўйича 1-ўринни олгани бўлди. Кўрикнинг вилоят босқичида эса у "Энг яхши тадбиркор аёл" деган номга лойиқ кўрилди.

— Ҳамма ишларингиз ўнгидан келиб, орзу-ҳавасларингизга етаётган экансиз. Яқинда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига аъзо бўлибсиз. Бундан мурод-мақсадингиз нима? — сўраймиз суҳбатдошимиздан.

— Халқимизда "Бир орзуга етилса, ўн орзу болалайди" деган ҳикмат бор, — деди табассум билан юз ва кўзлари яшнаб Ҳилола Тўқсанова. — Шундай экан, инсоннинг орзу-ҳаваси тугармиди? Айниқса, ўзим ва касаначиларим ишларини Японяидек бир ривожланган давлат олимаси ўрганиб, "тасанно" деб кетгач, қалбимда улуғроқ мақсадлар улғайди. Шу сабабли O`zLiDeРга аъзо бўлдим. Негаки биз — O`zLiDeРчилар унинг дастурий ғоя ва муштарак мақсадларидек, ўзимиз ва бола-чақаларимиз учун ҳақиқий фаровон ҳамда бой-бадавлат ҳаёт барпо этмоқчимиз. Янада аниқроғи — ўзбек аёли жимитдайгина игнаси, серфазилат ва шарқона ҳунари билан нималарга қодирлигини бутун жаҳонга кўз-кўз этмоқчимиз!

ҲАМДЎСТЛИК

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда миллатлараро муносабатларга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Зеро ҳар бир жамиятнинг тараққиёти, эртанги куни, жаҳон майдонидаги обрў-эътибори тинчлик ва барқарорликка, ана шу заминда яшаётган миллат ва элатларнинг тотувлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бинобарин, миллати, ирқи, дини ва эътиқодидан қатъий назар, пок ниятли барча фуқароларнинг эркин меҳнат қилиши, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш ижтимоий соҳадаги устувор масалалардан бири ҳисобланади. Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувликка осонлик билан эришилаётгани йўқ.

«Ўзбекистон — иккинчи Ватаним»

Қўлга киритаётган муваффақиятларимизга қора кўзойнак остидан қараб, кўпмиллатли халқимиз орасига нифоқ солиш, вазиятни издан чиқаришга ҳаракат қилаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Аммо уларнинг уринишлари бефойдадир. Давлатимиз Конституцияси ва қонунларида миллатчилик, ирқчилик кўринишлари қатъиян тақиқланиши алоҳида таъкидланган. Худди шунингдек, асосан миллий, диний ва ирқий муносабатларга таянадиган партиялар, ҳаракатлар, ташкилотларнинг фаолият юритишларига мутлақо йўл қўйилмайди.

Статистик маълумотларга қараганда, ҳозир республикамизда 136 миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Бундан ташқари юртимизда кўплаб чет эллик фуқаролар фаолият кўрсатишаяпти. Улар учун барча қатори теппа-тенг шароит яратилган. Олий ўқув юртларида кўплаб хорижлик талабаларнинг таълим олаётгани эса ўзаро дўстлик ва ҳамкорликнинг амалдаги ифодасидир.

Қуйида мамлакатимизда истиқомат қилувчи хорижлик фуқароларнинг таҳририятимизга йўллаган мактубларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Манжири КАРУЛКАР (Ҳиндистон):

— Юртингизда бир неча йилдан буён Ҳиндистон маданияти маркази билан ҳамкорликда фаолият юритаяпман. Бу ерга келишимдан олдин Ўзбекистонни анъанавий мусулмон давлати деб билардим. Одамларингиз эътиқодли бўлиш баробарида ўзга динларга нисбатан анча бағрикенг эканлар. Бу хислат менга жуда ёқди. Аёллар жамиятнинг тенгҳуқуқли аъзоси сифатида кўрилиши айрим давлатлар учун ҳамон орзу бўлиб қолаётган бир пайтда Ўзбекистонда аёлларга барча шарт-шароит яратиб қўйилгани мени жуда қувонтирди.

Аёл бўлишимга қарамай, кўп шаҳарларингизни кезиб чиқдим. Бирор ерда менга ёт кўз билан қарашганини эслолмайман. Тошкентда жуда кўп таниш ва дўстлар орттирдим. Улар билан тез-тез кўришиб турамиз.

Катья ДАНИЭЛА (Швейцария):

— Болалигимдан Шарқ маданиятига ихлос қўйганман. Айниқса, туркий халқлар маданияти, санъати менда катта қизиқиш уйғотган. Ўз қизиқишларимни рўёбга чиқариш учун ушбу мамлакатлардан бирига келиб яшаш кераклигига ишонч ҳосил қилгач, Ўзбекистонни танладим. Чунки юртингиз нафақат географик жиҳатдан, балки тарихий-маданий жиҳатдан ҳам туркий халқлар орасида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Мен бу ерда маҳаллий халқлар маданиятини, урф-одатини, айниқса рақс санъатини яхши ўзлаштирдим.

Ростини айтсам, бу ерга келишимдан олдин дўстларим, яқинларим мени бу мақсадимдан қайтармоқчи бўлишган. Ўзимда ҳам маълум хавотирлар йўқ эмасди. Бу ерга келиб, вазиятнинг мен кутгандан кўра анча яхшилигини кўриб, ҳайратга тушганман. Чунки бизда Марказий Осиё деганда, минтақангизга қўшни мусулмон давлатларни кўз олдиларига келтиришади.

Тошкентга келганимга ўн йилдан ортди. Хозирда ўзбек тилида равон гапираяпман. Ўзбек маҳаллаларида яшадим, ўзбекларни яхши ўргандим. Уларга меҳр қўйдим. Улар ҳам мени бегона, келгинди сифатида эмас, ўз одамлари сифатида қабул қилишди. Шаҳарнинг турли жойларига боришимга тўғри келади, лекин ҳеч кимнинг дўқ-пўписа қилганини ёки "Сен чет элликсан, нега бу ерда юрибсан?" деганини эшитмадим.



Атал САМАД (Афғонистон):

— Отамнинг хизмат фаолияти Ўзбекистонда бўлгани сабабли ўтган йили Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ўқишга кирдим. Тил билан боғлиқ муаммолар йўқ. Тилларимиз бир-бирига анча ўхшаш. Фарқли жойларини ўзлаштириб бораяпман. Мени қувонтирадиган яна бир нарса шуки, ўзбек дўстларимнинг айримлари пуштун, турк тилларини мукаммал билишади. Она-Ватандан ҳеч нарса устун бўлмайди, дейишади. Лекин менга бу ер иккинчи Ватан бўлиб қолди. Ўзбекистонда худди юртимдагидек бемалол юраман. Ҳали бу юртда қанча бўлишим номаълум, лекин менга қолса, шу ерда ўқишимни тамомлаган бўлардим.

Инсондан эзгулик қолади

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида O`zLiDeP фаоллари ташаббускор бўлишмоқда

Ҳомийлик ва шифокорлик... Бу тушунчалар замирида ботиний саховат, инсон қалбининг эзгуликка йўғрилган турфа жилолари мужассам, десак хато қилмаймиз. Зеро дунёда одамларга мурувват кўрсатишдан каттароқ бахт йўқ.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастури асосида Ғиждувон туман марказий касалхонасида ҳам бир талай хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада O`zLiDeP бошланғич ташкилотининг етакчилик ва сафарбарлик ролини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

■ Эшмурод БОБОМУРОДОВ, «XXI asr» мухбири

— Биз йил бошиданоқ ўз режаларимизни аниқ-равшан белгилаб олганмиз, - дейди туман марказий касалхонаси бош ҳакими, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси Ўктам Тешаев. — Омадни қарангки, бу саъй-ҳаракатларимиз тез орада ўз қувончли самарасини бера бошлади. Ҳокимлик томонидан 57 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бу маблағ ҳисобига тез тиббий ёрдам маркази, лаборатория ва рентген бўлимлари капитал таъмирланди, касалхона ҳовлисидаги барча ёритгичлар ҳамда фаввораларни қайта созланди. Эндиликда буларнинг барчаси эзгулик йўлида хизмат қилмоқда.

Ғиждувонда партия ғояларига содиқ, юксак эътиқодли фаоллар кўпчиликни ташкил этади. Ўзбекистон Бадиий академияси фахрий аъзоси, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, машҳур кулол Алишер Нарзуллаев ана шулардан биридир. У кейинги ўн йил мобайнида япон кулоллари билан ҳамкорликда халқ амалий санъатини тиклаш соҳасида изчил иш олиб бораяпти. 1999 йилда кунчиқар мамлакатга ташриф буюриб, кулолсозлик соҳасидаги тажрибалари билан ўртоқлашган эди. Ана шу йўналишдаги хайрли ишлари учун Алишер Нарзуллаев Японияниг Ўзбекистондаги элчихонаси грантига муносиб топилди ва туман марказий шифохонасига 90 минг

Ўктам ТЕШАЕВ 1962 йилда Ғиждувонда туғилган. ТошМИ-2 (ҳозирги Тиббиёт академияси)нинг даволаш факультетини тамомлаган. Туман марказий касалхонасида травмотолог-жарроҳ, болалар жарроҳлик бўлими мудири вазифаларида ишлаган. Ҳозирги кунда бош шифокор. Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутати. O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

АҚШ доллари миқдордаги тиббий асбоб-ускуналар тақдим этилди. Улар орасида замонавий "Лапраскоп", беморларга УЗИ ёрдамида ташхис қўйиш ва наркоз беришга мўлжалланган "РО-6" ускуналари бор. Партия фаоли мазкур жиҳозларни савоб иш — беморларни даволаш учун туман марказий касалхонасига туҳфа этди. Бунга ўхшаш ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин, албатта

Партия ташкилоти ташаббуси билан марказий касалхонанинг ўзида кўплаб хайрия тадбирлари амалга оширилмоқда. Масалан, Наврўз кунларида Самандар Имомов, Камолиддин Саидов, Салоҳиддин Ғафуров, Бахтиёр Эргашев, Эркин Дўлтаев каби ота-онасиз болаларнинг суннат тўйлари ўтказилди. Тантанадан олдин тўйболаларга зарлибослар кийдирилди ва ҳар бирига алоҳида жамғарма дафтари топширилди. Эътиборга молик томони шундаки, тўйга чорланганлар орасида туманнинг 121 нафар фахрий шифокори ҳам бор эди.

Ўтган тўрт ой мобайнида I ва II гуруҳ ногиронларидан 120 нафари кўрикдан ўтказилди, 15 нафари эса бепул йўлланма билан вилоят ва республика шифохоналарида даволаниб қайтишди. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида эҳтиёжманд беморларга 3 миллион 239 минг сўмлик дори-дармонлар бепул берилди.

Маълумки, давлат дастурида тиббиёт ходимларининг касб маҳоратини ошириш, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, янги хизмат турларини жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Касалхонада бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳам жадаллаштирилмоқда. 367 нафар врачнинг 58 нафари олий, 81 нафари I ва 21 нафари эса II тоифали малака эгасидир. Буктарой қишлоқ врачлик маскани янгидан қурилди, Наматгарон қишлоқ врачлик маскани қайта таъмирланди. "Саломатлик - 2" дастури лойиҳаси асосида жойларда зарур тиббий шарт-шароит яратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, O`zLiDeP аъзоларидан - жарроҳ Салим Бобоев, реаниматолог Ўктам Иброҳимов, гинеколог Гавҳар Зарипова, ҳамширалар Санобар Аҳмедова, Муҳаббат Камолова, Феруза Ҳасановалар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиш билан бирга омма ўртасида партия ғояларини кенг тарғиб қилишмоқда. Улар ўз зиммаларига юклатилган партиявий бурчга садоқат билан ёндашиб, бошқаларга ўрнак бўлишаётир.

"Агрокимё" туман бўлими томонидан яқинда касалхонага 300 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. "Лапраскоп" ускунаси мутахассиси Абубакр Эгамов, реаниматолог Қаюм Раҳимов, кардиолог Рисолат Мавлонова республика марказий илмий-тадқиқот институтида малака ошириб қайтишди.

Барча тиббиёт ходимлари каби ушбу касалхона жамоаси ҳам 30 фоиз оширилган миқдорда маош олаётир. Шунингдек, ходимларга рейтинг баллари асосида моддий рағбатлантириш жамғармасидан ойлик маошининг эллик фоизи миқдорида мукофот пули ҳам бериб борилмоқда.

Шифохона бошланғич партия ташкилоти айни кунда ўз атрофига 28 нафар O`zLiDeP аъзосини бирлаштирган. Уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамоат ишларидаги иштирокини кенгайтириш диққат марказида турган масалалардан биридир. Партия аъзолари — Зарангари қишлоқ врачлик маскани мудири Зайниддин Қиёмов, акушер-гинеколог Гулбаҳор Назарова, аллерголог Одина Ўлмасова, бош ҳисобчи Аҳад Шарипов, рентгенолог-врач Бону Олимовани туманда кўпчилик яхши танийди. Улар бундай ҳурматга ўзларининг ҳалол хизматлари орқали эришишган, албатта.

— Туманимизда 254 минг нафар аҳоли яшайди, - дейди суҳбатимиз охирида У. Тешаев. — Бу, албатта, зиммамизга катта масъулият юклайди. Шахсан ўзим ҳам шифокор, ҳам O`zLiDeP ваколати билан сайланган депутат, ҳам бошланғич партия ташкилоти раиси сифатида одамлар саломатлиги учун икки ҳисса бурчлиман. Шифокор — халоскор, демакдир. Касб-коримиз фидойиликни талаб этади. Бинобарин, инсон бахт-саодати йўлида куч-ғайратимизни аямаслигимиз, касбий ва сиёсий билимларимизни муттасил ошириб боришимиз лозим. Ана шунда кўзланган мақсадлар ўз ижобатини топаверади.

Мурувватпешалик — халқимизга хос олий фазилат

— дейди Жарқўрғон туманидаги «Минор» саёҳат — туризм хусусий фирмаси бошланғич партия ташкилоти раиси Олимжон Нормуродов

Олимжон Нормуродовда жарқўрғонлик бошқа тадбиркорлардан фарқли ўлароқ, битта хусусият бор: у аҳолининг кам таъминланган қатламига мурувват кўрсатишни, ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни биринчи галдаги бурчи, деб билади. Эл-юрт ўртасида ҳурмат-эътибор топаётганлигининг боиси ҳам шунда.

■ Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, «XXI asr» мухбири

Мана исботи: ўтган сайловда O`zLiDeP туман кенгаши томонидан О. Нормуродов 11-Охунбобоев сайлов округидан халқ депутатлари туман кенгашига депутатликка номзод этиб кўрсатилган эди. Изланувчан, фидойи тадбиркор кўпчилик овоз билан депутатликка сайланди. Бу, албатта, унга билдирилган катта ишончдир.

Дарвоқе, етти йил аввал Олимжон ўз ихтиёри билан билан раҳбарлик курсисидан воз кечиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулана бошлаган кезларда ишлари бугунгидек юришиб кетишига кўпчилик ишонқирамаган эди. Вақт ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйди. Дастлабки йилларда аҳолига компьютер хизмати кўрсатиш билан шуғулланган "Минор" саёҳат-туризм хусусий фирмаси ўз қаддини тўла тиклаб олди. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида унинг филиали, Термиз шаҳрида эса ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Фирма аҳолига 30 дан ортиқ турдаги хизматларни кўрсатмоқда. Жумладан, компьютер ва компьютер таълими, суратхона, телеустахона, туризм, транспорт, савдо дўконлари хизматидан кўпчилик баҳраманд. Айни пайтда хусусий фирмада 50 киши меҳнат қилмоқда. Шундан 36 нафари Жарқўрғонда, қолганлари эса Термиз ва Тошкент шаҳарларида фаолият кўрсатишаяпти.

— Дастлаб иш бошлаган кезларимизда компьютерга қизиқиш ҳозиргидек эмас эди, — дейди суҳбатдошимиз. — Шу боис бир гуруҳ ўқувчи-ёшлар фирмамизда компьютер саводхонлиги бўйича ўқитилмоқда. Буни ҳозирги кундаги муҳим ва фойдали машғулот, деб ҳисоблайман. Биринчидан, компьютерни ўрганган бола замонавий билимларни чуқур эгаллайди. Иккинчидан, бўш вақтини мазмунли ўтказиш имконига эга бўлади. Бу эса ота-оналар учун айни муддаодир.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда "Минор" саёҳат-туризм хусусий фирмасида 20 нафар O`zLiDeP аъзоси фаолият юритмоқда. Бошланғич ташкилот йиғилишлари танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтади. Ана шундай йиғилишлардан бирида туман марказидаги касалхона, мактаб ва боғчаларда электр энергияси тез-тез ўчириб қўйилиши ҳақида гап борди. Хўш, нима қилиш керак? Одамлар ёрдам кутишмоқда. О. Нурмуродов ҳам депутат, ҳам партия фаоли сифатида ушбу масала билан шуғулланиб кўришга ахд қили. Аввало, электр энериягиси таъминотидаги узилишларнинг сабабини атрофлича ўрганди. Сўнгра мактаб, марказий шифохона ҳамда Н. Боймуродов номли кўчадаги болалар боғчаси учун юқори қувватли алоҳида трансформатор ўрнатиш ва уни ишга туширишга бошқош бўлди. Қарабсизки, муаммо ҳал, ҳамма хурсанд.

Олимжон НОРМУРОДОВ 1963 йилда туғилган. Тошкент автомобиль-йўллар институтини тамомлаган. 1986-1989 йилларда Термиз шаҳридаги 2510 автокорхона ва Жарқўрғон туманидаги 48-автотранспорт корхонасида ишлаган. 1991 йилдан ушбу АТКда директор ўринбосари, 1999 йилдан тумандаги "Минор" саёҳат-туризм хусусий фирмаси директори, 2004 йилдан "Кафолот" жамоатчилик марказининг раиси лавозимида фаолият юритмоқда. Халқ депутатлари Жарқўрғон туман кенгаши депутати.

Яна бир мисол. Кам таъминланган, қаровчисини йўқотган айрим оилаларда газ ҳисоблагичлар ўрнатиш учун маблағ етишмаётганлиги аниқланди. Фирма ёрдами билан бу муаммо ҳам ўз вақтида ҳал этилди. "Наврўз", «Улуғбек» номли маҳаллаларда яшовчи Исоқ Юнусов, Бойбўри Мамадиёров, Зулхумор Аллаёрова, Эргаш Қулмуродов сингари фуқаролар бундай ҳиммат учун саховатпешалардан беҳад миннатдор. Кам таъминланган бир неча оиланинг ер солиғи ҳам фирма ҳисобидан тўлаб берилди. Хуллас, ўтган йили хайрия мақсадлари учун 13 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Хизмат юзасидан кўплаб чет мамлакатларда бўлганман, — дейди О. Нормуродов. — Лекин бирон мамлакатда меҳр-мурувват, саховатпешалик Ўзбекистондагидек кенг удумга айланган эмас. Биз бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ахир, дунёда мурувват ва эзгуликдан ҳам яхшироқ амал борми?

Гап инсонийлик хусусида кетар экан, яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Туманда тарихий жойларга саёҳатлар уюштириш, мактаблардаги битирув кечаларида аълочи ўқувчиларга махсус совғалар топшириш ўзига хос анъанага айланган. "Минор" фирмаси бу борада ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти. Чунончи, 2004 йилда Туркистон шаҳрига уюштирилган саёҳат учун тўрт ярим миллион сўм маблағ сарфланганлиги эътиборга моликдир.

Президентимиз ташаббуси билан ўтаётган йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан жойларда кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Фирманинг жорий йилдаги режаларига келсак, болалар спортини ривожлантириш, кам таъминланган оилалар, ногирон ва ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш учун яна 20 миллион сўмлик ҳомийлик кўрсатиш кўзда тутилаётир.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, дейди халқимиз. Аслида ҳам шундай. Партиявий-сиёсий фаолиятини хайрия ишлари билан қўшиб олиб бораётган О. Нормуродов ҳақида яна кўплаб илиқ фикрларни билдириш мумкин. Бироқ айтилганларнинг ўзиёқ жойларда O`zLiDeP ғояларига содиқ, эътиқодли кадрлар камол топаётганлигидан далолат беради. Зеро, ҳар жиҳатдан етук инсонларга таяниб иш юритадиган ҳар қандай сиёсий партиянинг йўли ойдин, истиқболи эса порлоқдир.

Илова учун масъул: Дониёр КАМОЛОВ

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI WWW.21ASR.COM

ОДАМ ҚАНЧАЛИК МАЪРИФАТЛИ БЎЛСА, ЭЛ–ЮРТГА ШУНЧАЛИК ФОЙДАСИ ТЕГАДИ

Бурч масъулияти

чинозлик маслакдошларни сиёсий фаоллик билан иш юритишга ундамоқда

Бугун биз янги ғоялар, янгича муносабатлар даврида яшаяпмиз. Демократия, кўппартиявийлик ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. Сиёсат майдонига ислоҳотларни жадаллаштиришдан, жамиятни ривожлантириш ва либераллаштиришдан тўла манфаатдор бўлган соғлом кучлар кириб келаяпти. Улар орасида O'zLiDePнинг алоҳида ўрни бор.

Гапни узоқдан бошлаганимиз бежиз эмас. Зеро, бирон-бир сиёсий ҳаракатга мансуб бўлиш ёки бўлмаслик ҳар бир фуқаронинг ихтиёрий ҳуқуқидир. Ҳеч ким уни бунга мажбур қилолмайди. Айни чоғда оддий бир ҳақиқатни ҳам унутмаслигимиз лозим. Модомики, кейинги йилларда O'zLiDePнинг нуфузи ошиб, тарафдорлари сафи кенгайиб бораётган экан, бу, албатта, унинг эл-юрт манфаати йўлида самарали фаолият олиб бораётганидан далолат беради.

■ Носир ТОШЕВ

Дарахт илдизи билан кучлидир. Худди шунингдек, ҳар қандай сиёсий партия, аввало, ўзининг "илдиз"лари бўлган бошланғич ташкилотларга таяниб иш юритади, улардан қувват олади. Келинг, узоққа бормайлик. Чиноз туманида халқ таълимини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Бугунги кунда туман ҳудудида 47 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 25374 нафар ўғил-қизлар таълим-тарбия олишаяпти. Навқирон ёшларни маънан баркамол, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, жамият ҳаётидан муносиб ўрин эгаллашларига яқиндан кўмаклашиш диққат марказида турган масалалардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, туман маорифчилари O'zLiDeP келажагига ишонч билан қараб, сиёсий ислоҳотлар жараёнида кенг иштирок этишмоқда. Айни кунда улардан 130 нафари ўз тақдирини бевосита партия билан боғлаганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Одатда бирон-бир партияга мансублик шахснинг маънавий салоҳияти ва дунёқарашини белгиловчи муҳим мезон сифатида намоён бўлади. Шундай экан, эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилиш, юрт истиқболи ҳақида қайғуриш, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг олдинги сафида бўлиш ҳар бир партия аъзоси учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини унутмаслик лозим. Зеро, сиёсий ва маънавий етук инсонларгина жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладилар.

Отабек Исахўжаев, 1971 йили Чиноз туманида туғилган. Гулистон давлат университетининг математика-информатика факультетини тамомлаган. Айни кунда туман халқ таълими бўлимида бош мутахассис вазифасида хизмат қилмоқда. O'zLiDeP бошланғич ташкилотининг раиси.

Айни кунда туман халқ таълими бўлимида 67 нафар ходим хизмат қилади. Шундан 30 нафари O'zLiDeP аъзосидир. Бошланғич партия ташкилоти етакчиси Отабек Исахўжаевнинг фаоллиги, изланувчанлиги хусусида кўплаб илиқ гапларни айтиш мумкин. Аммо биз бундан "тийилиб", эътиборингизни бошқа нарсага қаратмоқчимиз. Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини намунали ташкил этиш, соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, илғор педагогик тажрибаларни кенг оммалаштириш аппарат ходимлари ва мутахассисларидан алоҳида масъулият талаб этади. Улар буни тўла ҳис этиб, халқ маорифи равнақи йўлида астойдил иш олиб бораяптилар. Хусусан, Олимжон Хушвақтов, Маҳмуд Мазбудов, Зоҳид Носиров, Гулчеҳра Аҳмедова, Манзура Муҳамедова каби фаоллар ўз хизмат бурчларини виждонан адо этиш билан бирга зиммаларидаги партиявий топшириқларга нисбатан талабчанлик билан ёндашишга одатланишган. Шу боис жамоа ўртасида ҳурмат-эътибор қозонишмоқда.

— Ҳар бир сиёсий партия ўзининг қуйи бўғинлари билан кучли ва қудратлидир, — дейди биз билан суҳбатда О.Исахўжаев.—Эндиликда ҳавойи гаплар, қуруқ ваъдалар билан узоққа бориб бўлмайди. Чунки замон бошқа. Бугунги юртдошларимиз — кечаги одамлар эмас. Уларнинг онги, тафаккури юксалган: яхши билан ёмонни дарров ажратишади. Ўзимиздан қиёс. "Аудитория"миз асосан зукко, эътиқодли зиёлилардан иборат. Улар ҳузурига пухта тайёргарликсиз бориб бўладими? Йўқ, албатта. Шу боис ўз устимизда тинимсиз ишлаб, сиёсий билимларимизни такомиллаштиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳар қандай режа ёки мақсад ижроси билан кучлидир. Партия йиғилишларида таълим тизимини ривожлантириш, ўқувчи-ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, педагог кадрлар малакасини ошириш, халқ маорифи соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид муҳим масалалар муҳокама қилинади ва уларга нисбатан фаол муносабат билдирилади. Энг муҳими, бу каби тадбирлар шунчаки ҳисобот учун эмас, балки жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенг иштирок этишга бел боғлаган ҳамкасбларимизнинг хоҳиш-иродаси сифатида намоён бўлаётир.

Кези келганда бир нарсани очиқ тан олишимиз лозим. Оммага ғоявий таъсир ўтказиш учун барча имкониятлардан фойдаланаяпмизми? Афсуски, йўқ. Баъзи муҳим масалалар эътибордан четда қолаётгани ҳам сир эмас. Хулоса аниқ: фаолиятимизга нисбатан танқидий нуқтаи назардан ёндашиб, кўзланган мақсадларга эришиш учун астойдил изланишимиз лозим. Партиявий бурчимиз ана шуни тақозо этади.

БПТ раиси ҳақ. Ютуқларга маҳлиё бўлиш, мавжуд нуқсонларга нисбатан лоқайдлик билан қараш ҳеч кимга, ҳеч қачон обрў келтирмайди. Шунинг учун ҳам партиявий маслакдошлар ўз бурчларига янгича талаблар билан ёндашиб, жамоа аъзолари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, омма орасига чуқурроқ кириб бориш учун куч-ғайратларини аямаяптилар. Чунончи, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган учрашув барчада катта таассурот қолдирди. Унда бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этиб, ўз хотиралари билан ўртоқлашдилар. Тумандаги 2420 та кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ўз вақтида моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, яқинда 19 нафар болага юз минг сўм миқдоридаги кийим-кечаклар тухфа қилинди. "Ўзбекнаво" бирлашмасининг хонандалари тумандаги қатор мактаб-интернатларда бўлиб, томошабинларни ўз концерт дастурлари билан хушнуд этдилар. Мавжуд 6та ёзги оромгоҳда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан ҳам бир қатор режалар белгиланган. Ана шу мақсадлар учун жами 320 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Албатта, юқоридаги каби хайрли амалларни партия аъзоларининг фаол иштироксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар давр руҳини чуқур ҳис этиб, ислоҳотларнинг олдинги сафида боришга интилмоқдалар. Зеро эндиликда қуруқ расмиятчилик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Одамлар амалий натижаларни кутишмоқда. Ана шу юксак ишончга муносиб бўлиш, мамлакатда том маънодаги мулкдорлар синфини шакллантириш, эркин тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида қатъият билан иш олиб бориш O'zLiDePнинг пировард мақсадларидан биридир. Хуллас, кураш ва изланиш давом этади.

Ташаббускор ва иқтидорли ёшларни миллий ғоя атрофида жипслаштириш тарбиявий соҳадаги муҳим бурчимиздир.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Дастурида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Демоқчиманки, сиёсий ва ижтимоий жараёнларда ёшларнинг фаоллигини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз лозим.

Пойдевор мустаҳкам бўлса...

■ Хусниддин КОМИЛОВ, Яккасарой туманидаги «Бошлиқ» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти раиси.

Бошланғич ташкилотимизнинг асосини навқирон авлод вакиллари ташкил этади. Партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини маҳалла аҳли орасида кенг тарғиб қилиш борасида уларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Айниқса, ҳудудимизда жойлашган билим даргоҳларида ўтказилаётган учрашувлар, савол-жавоб кечаларида O'zLiDeP аъзолари фаол иштирок этишаётир. Давр эса олдимизга кун сайин янги талабларни қўймоқда. Ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат, халқ анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялашимиз, уларда муайян касб-ҳунар кўникмаларини ҳосил қилиш учун астойдил жон куйдиришимиз лозим. Ўтказилаётган тадбирлар давомида масаланинг ана шу жиҳатларига кенг эътибор қаратилмоқда.

Маҳалла одамларнинг ҳаётига энг яқин бўлган, йиллар давомида улар учун қулай ижтимоий муҳит яратишга хизмат қилиб келган ижтимоий тизимдир. Бинобарин, унинг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш яхши самаралар бериши шубҳасиз. Бу борада маҳалла раиси Яшин ака Холдоров биздан ёрдамини аямаяпти. Турли тадбирлар ўтказиш учун маҳалла гузарининг эшиклари ҳамиша очиқ.

Юқорида бошланғич ташкилотимиз ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратаётганлигини таъкидлаб ўтдим. Ҳаракатимиз зое кетмаяпти. Маҳаллада турли безорилик ҳолатлари кескин камайди. Баҳор — яратиш ва яшариш фасли. Теварак-атрофни ободонлаштириш учун маҳаллаларда ҳашарлар уюштирилмоқда. Уларда аҳолининг кенг иштироки таъминланаяпти. Бандлик муаммосини ҳал қилиш бўйича Меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш туман бўлими билан ҳамкорликда тегишли тадбирлар белгилаганмиз. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида оммaнинг партияга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда, унинг сафларини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, бошланғич ташкилот ҳар бир партиянинг қон томири, пойдеворидир. Зеро пойдевори мустаҳкам бино узоққа чидайди.

Жойлардаги партия фаоллари "соф" сиёсий муаммолар доирасидан чиқиб, кундалик ҳаёт билан ҳамнафас бўлишлари, одамларнинг кундалик эҳтиёжлари йўлида астойдил қайғуришлари зарур. Акс ҳолда кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Шу ўринда баъзи мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман. Бугун партиянинг қуйи бўғинларида ташкилий ишлар қай даражада олиб борилаяпти? Улар давр билан ҳамнафас қадам ташлашаяптими?

Назаримда, айрим бошланғич ташкилотлар фаолиятида расмиятчилик, юзакичилик ҳолларига йўл қўйилаётир. Бу эса партиянинг омма ўртасидаги обрў-эътиборига путур етказаётгани сир эмас. Айрим етакчиларда ҳозиржавоблик, сиёсий фаоллик етишмайди. Менимча, бошланғич ташкилотларнинг раҳбарлари партия ўртага қўйган ғоя ва мақсадларни рўёбга чиқаришда асосий куч сифатида ташаббускор бўлишлари, ибратли ишлари билан оммага намуна кўрсатишлари лозим.

Бу катта масъулият демакдир. Эл-юрт биздан амалий натижаларни кутмоқда. Бинобарин, юксак ишончга муносиб бўлиш, партия манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилиш виждоний бурчимиз саналади.

ҲАЁТ кемаси меҳнат лангарига суянмаса, ҳамма шамоллару довулларга дош беролмайди

ИҚТИСОДИЁТ

МОДДИЙ ҚЎМАК

Тадбиркорнинг яқин ҳамкори

ёки Ўзбекистон иқтисодиётида лизинг хизматининг ўрни ва роли хусусида

Мустақил Ўзбекистон тарихида "ўтиш даври" деб номланган, анчайин мураккаб кечган бутунлай янгича тизимнинг шаклланиши, луғатимизга кредит, инвестиция, акция, биржа, аукцион, лизинг каби атамаларнинг кириб келиши, бир сўз билан айтганда, республикамизда эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига амал қилина бошланиши нафақат ишлаб чиқариш, балки одамлар тасаввури, дунёқарашини ҳам бутунлай ўзгартириб юборди. Иқтисодий ҳаётнинг эркинлаштирилиши натижасида амалда ижтимоий-сиёсий барқарорликни кафолатловчи, жамият тараққиётини таъминловчи ўрта синф юзага келди.

■ Зулфия ПЎЛАТОВА

Буларнинг бари ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Ўтган 10 йилдан зиёд вақт мобайнида кичик тадбиркорлик ва хусусий бизнес тетапоялик қийинчиликларни енгиб ўтиб, мамлакат иқтисодиётининг ҳал қилувчи бўғинларидан бирига айланди.

Тадбиркорлик субъектларининг бугунги ривожида қатор молия муассасалари, банклар, турли жамғармалар қаторида лизинг ташкилотлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари, бюджетдан ташқари фондлар, шунингдек, халқаро молия ташкилотларининг кредит линиялари асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Бу маблағларни ўзлаштириш учун республикамизда кенг имкониятлар яратилган. Юқорида таъкидланганидек, кичик корхоналар, хусусий бизнес субъектлари, фермер хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлашда лизинг хизматининг алоҳида ўрни ва роли бор. Чунки лизинг корхонанинг нафақат молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, балки тегишли асбоб-ускуналар, техника воситалари сотиб олиш муаммоларини ҳам ҳал этишнинг муҳим воситасидир. Яъни у ўз табиатига кўра, кредит ўрнини босувчидир. Бироқ ҳозирча мамлакатимизда лизинг муносабатлари етарли даражада шаклланмаган. Мазкур соҳада жаҳон тажрибасидан унумли фойдаланиб, уни амалиётга қанчалик тез татбиқ этсак, шунчалик тез тараққий этган бозор иқтисодиётига эришамиз.



Келинг, яхшиси мамлакатимизда фаолият юритаётган лизинг ташкилотларидан бири — IFC — халқаро молия корпорацияси ҳамда SEKO — Швейцария иқтисодий масалалар давлат котибиятининг Марказий Осиёда лизингни ривожлантириш лойиҳаси иштирокида ташкил этилган "Business Leasing" халқаро МЧЖ корхонаси фаолиятига бир назар ташлайлик. Масалан, ушбу лойиҳа йўналиши бўйича 2005 йилда 1 млн. 170 минг долларлик битим тузилди. Яъни 55 та шартнома асосида маҳаллий тадбиркорлар 581 минг АҚШ доллари миқдорида автотранспорт воситалари, 35 минг долларлик озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари, 76 минг доллар ҳажмидаги компьютер ва оргтехника воситаларига эга бўлдилар.

Икки томонлама тузилган шартномаларнинг ўртача муддати 2 йилданга тўғри келди.

Ушбу лойиҳа бўйича ҳамкорлик қилишнинг имтиёзли ва қулай томонлари жуда кўп. Масалан, ички бозордан бирон-бир жиҳоз ёки ускуна харид қилинадиган бўлса, бунинг учун бор-йўғи 3-5 кун вақт кетади, холос. Шу боис лойиҳа мижозлари сони кўпайиб бормоқда. Жорий йил бошидан буён 25 та шартнома имзоланганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Лойиҳа вакилларининг таъкидлашларича, бу кўрсаткич йил давомида икки баробарга ортади.

Ушбу имкониятдан янги ташкил топган корхоналар, фаолият юритаётган, айланма капиталга эҳтиёжманд кичик ва хусусий корхоналар, фойдаланишлари мумкин. Яъни ўзаро шартномага кўра, лизинг ташкилоти (компания, банк ва ҳ.к.) лизинг олувчига керакли ускуна, дастгоҳ, техника воситаси, компьютер ва бошқа зарур нарсаларни олиб беради. Корхона белгиланган муддатда келишилган маблағни тўлаб бўлгач, бу воситалар унинг шахсий мулкига айланади.

Лизинг орқали мулкка эга бўлишнинг яна қатор имтиёзли томонлари бор. Масалан, ушбу шартнома орқали хориждан келтирилган ускуна учун қўшимча қиймат солиғи ва божхона пошлинаси тўланмайди. Шунингдек, лизинг тўловлари учун ҳам қўшимча қиймат солиғи татбиқ этилмайди. Лизинг хизматидан фойдаланган корхоналар яна бир қанча солиқ имтиёзларидан ҳам фойдаланадилар.

Айни пайтда Ўзбекистонда 10 та компания, 15 та тижорат банки лизинг хизмати кўрсатмоқда. Бундан ташқари, "Business Leasing" халқаро МЧЖ корхонаси ҳам мамлакатимиз фуқароларига турли йўналишда лизинг хизмати кўрсатиб, юртимиздаги кўплаб корхоналарнинг ишончли ҳамкорига айланган.

Ушбу компания мамлакатимизда фаолият юритаётган турдош корхоналардан имтиёзли жиҳатлари кўплиги билан ажралиб туради.

Компания "Автолизинг", "Микролизинг", "Макролизинг", "БЭК-лизинг" деб номланувчи лизинг хизматлари кўрсатишга ихтисослашган.

Масалан, "Автолизинг"-дан фойдаланмоқчи бўлганлар 3 йил муддатга нархи 60000 АҚШ долларигача бўлган автотранспорт воситасини олиш имкониятига эга бўладилар. Шартнома муддати даврида автомашинани расмийлаштиришдан тортиб, суғурталашгача бўлган барча харажатлар компания ҳисобидан амалга оширилади.

"Микролизинг" шарти эса қуйидагича:

3 йил муддатда узиш шарти билан 50000 долларгача бўлган турли ускуна, техника, кўчмас мулк харид қилишингиз мумкин.

"Макролизинг" дастурида эса мулк баҳоси 50000 дан 200000 долларгача қилиб белгиланган.

"БЭК-лизинг" шарти эса бошқачароқ. Бунда лизинг олувчи ўз мулки (ускуна, техника, автотранспорт ва ҳ.к.)ни компания ҳисобига ўтказади. Лекин келишилган муддат мобайнида ушбу асосий воситалар лизинг олувчи ихтиёрида бўлади. Компания шу қоида асосида сизни шартномада белгиланган миқдорда айланма маблағ билан таъминлайди. Натижада ишлаб чиқариш фаолиятингиз тўхтаб қолмайди. Бу давр ичида кредитни узиб, сўнгра яна мустақил иш юритаверасиз.

Ҳамкорлик қилмоқчи бўлганлар мутахассислардан керакли йўл-йўриқ ва маслаҳат олиш учун 120-30-40, 120-44-94 рақамли телефонларга қўнғироқ қилишлари мумкин.

«Business Leasing» Ўзбекистондаги барча юридик ва жисмоний шахсларни, тадбиркор ва ишбилармонларни ўзаро ҳамкорликка чорлайди!

КРЕДИТ УЮШМАСИ

Бухорода "Умид" кредит уюшмаси (раҳбари - Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгашининг аъзоси Дилбар Аҳмедова) фаолият кўрсата бошлаганига 4 йилдан ошди. Ҳозирги кунда уюшма аъзоларининг сони 3208 нафарга етганлиги эътиборга моликдир. Устав фонди эса 16,8 миллион сўмни ташкил этади.

«Умид» ишончни оқламоқда

■ Ўз мухбиримиз

Таъкидлаш жоизки, асосий эътибор деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Кейинги пайтда мижозларга 1 миллиард 198 миллион 265 минг сўмлик кредит маблағлари ажратилганлиги фикримиз исботидир. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, кичик ва ўрта бизнес, фермерлик ҳаракати, саноатни ривожлантириш учун 665 млн. сўм, истеъмол йўналиши бўйича эса 527 миллион 219 минг сўм кредит маблағлари йўналтирилган. Шунинг ўзи уюшма аъзолари молиявий томондан ўз вақтида қўллаб-қувватланаётганлигидан далолат беради.

Кундалик ҳаётимиз қувончу ташвишлари билан гўзал, сурурли. Ҳамма ҳам яхши яшасам, дейди. Кимдир ёзги дам олиш мавсумида сўлим оромгоҳларга ошиқса, яна кимдир бўйи етган қизини чиқариш ёки ўғлини уйлантириш ташвиши билан яшайди. Табиийки, буларнинг барчаси учун маблағ керак. Ёки бўлмаса, шартнома асосида олий ўқув юртида ўқийдиган талаба-ёшларнинг молиявий ташвишлари кам, дейсизми?! "Умид" кредит уюшмаси ана шу масалаларда ҳамюртларимизга ёрдам қўлини чўзишга ҳамиша шай. Икки томонлама шартнома шартлари бажарилса бас, бошқа гапга ўрин йўқ.

Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтда кредит маблағлари учун расмийлаштириладиган ҳужжатлар бир мунча камайтирилганлиги айни муддао бўлди. Бу эса тадбиркорлар вақтини тежаш, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

"Умид" кредит уюшмаси бўйича 2005 йилги бизнес-режаси икки ой аввал уддаланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Умуман, ўтган йил уюшма аъзолари ва мижозлари учун қувончли келди. Аввало, жаҳон кредит уюшмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўтказган «Энг яхши кредит уюшмаси» танловида 20 та муассаса орасида энг яхши молиявий ташкилот деб топилди ҳамда унга «Олтин кредит уюшмаси» номи берилди.

2006 йил учун белгиланган дастурда ҳам бир қатор истиқболли режаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Масалан, уюшма аъзолари сонини оширишга қаратилган тадбирлар изчил давом эттирилади.

Фақат шугина эмас. Кредит ресурсларини кўпайтириш, белгиланган фоиз ставкаларини босқичма-босқич пасайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил давомида, шунингдек, кредит уюшмаси активларини ошириш, уюшма аъзоларига сифатли молиявий хизматлар кўрсатиш диққат марказида бўлади. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

2006 йил 11 май
Пайшанба
19 (125) -сон
www.21.com
XASR

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

АДОЛАТ барча фазилатлар ичидаги энг олий фазилатдир

НУҚТАИ НАЗАР

«30-лойиҳа» тақдири

ёки тендер танлов ўтказишнинг каттақўрғонча усули

Каттақўрғон нафақат Самарқанд вилояти, балки мамлакатимизда ҳам алоҳида мавқега эга туманлардан бири. Айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликда эришаётган ютуқлари, бу борада ўрнак олса арзигулик тажрибалари билан ажралиб туради. Аммо кейинги йилларда довруғи республикага ёйилган туманда юз бераётган айрим ҳолатлар туман раҳбарларининг лоқайдлик, ҳафсаласизлик касалига мубтало бўлганликларидан далолат бермоқда. Акс ҳолда туманнинг ўзида ҳал бўлиши мумкин бўлган масалалар вилоят ва республика миқёсидаги идораларга етиб бормаган бўлармиди?..

■ **Дониёр КАМОЛ, «XXI asr»нинг махсус мухбири**

Биз бу мулоҳазаларни ҳаводан олиб ёзаётганимиз йўқ. O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасига йўлланган аризани ўрганиш мақсадида туманда бўлганимизда, кўплаб каттақўрғонликлар билан мулоқотда бўлдик. Суҳбат чоғида уларнинг кўпчилиги мавжуд ҳолатнинг юзага келишида туман раҳбарларини айбдор, деб ҳисобламоқдалар.

Масалан, Марди Султонов номли хўжаликда истиқомат қилувчи Неъматилло Мусаев шундай ёзади:

"Мен 1976 йилдан буён ушбу ширкат хўжалигида ишлаб келаман. Шу йил аввалида хўжалик тугатилиб, унинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этишга киришилди. Тегишли тартиб-қоидалар асосида мавжуд лойиҳалар бўйича тендер танловлари эълон қилинди. Мен ҳам ўз имкониятларимдан келиб чиқиб, ушбу танловда иштирок этиш ҳақида комиссияга мурожаат этдим. Хуллас, мен талабгор бўлган "30-лойиҳа" танловида яна икки нафар одам иштирок этди. Танловнинг биринчи босқичида 63 балл тўплаб, ғолиб чиқдим. Лекин комиссия раиси Ғайбулла Зоиров ва ҳокимликдаги раҳбарлар 58 балл олган Фахриддин Оллоёровни ғолиб деб топишди.

Норози бўлиб туман ҳокими, вилоят адлия бошқармасига мурожаат этдим. Аммо бундан ҳеч қандай натижа чиқмади".

Аризани ўрганиш чоғида дастлаб Марди Султонов номли агрофирма негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича тузилган тендер танлови комиссиясининг котиби М.Тоҳировга учрадик. Унинг айтишига қараганда, Н. Мусаев ҳақиқатан ҳам танловнинг биринчи босқичида энг юқори натижага эришган, Бироқ...

Маълум бўлишича, "30-лойиҳа"нинг яна бир талабгори Фахриддин Оллоёров комиссияга Н. Мусаевга тегишли бўлган, "Каттаминг" қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланган бир маълумотномани келтириб беради. Унда Н. Мусаевнинг ўзи тақдим этган дастлабки маълумотномадаги мол-мулк, хусусан, чорва моллари сони Оллоёров "тақдим этган ҳужжат"дагидан кескин фарқ қиларди. Комиссия икки талабгор ўртасидаги низони ўрганиб чиқиб, 2006 йил 27 январида тузилган баённомага асосан, Н. Мусаевни танловда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Ҳар икки талабгор тақдим этган ҳужжатлар туман прокуратурасига юборилади.

Прокуратура терговчиси, 1-даражали юрист А. Муродов имзолаган ва 2006 йилнинг 23 февралида Н.Мусаевга йўлланган расмий хатда шундай дейилади:

"Каттақўрғон туман прокуратурасида 24702 сонли жиноят иши мавжуд бўлиб, ушбу жиноят ишининг қўзғатилишига туман прокуратураси томонидан назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 март кунидаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан тумандаги "М.Султонов" агрофирмаси тугатилиб, негизида фермер хўжаликлари ташкил этилиши муносабати билан тендер-танловда "30-лойиҳа" бўйича талабгор сифатида сиз иштирок этиб, тендер комиссиясига тақдим қилинган ҳужжатлар билан биргаликда "Каттаминг" қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан 2005 йил 13 декабрь куни берилган, хўжалигида жами 4 бош майда шохли чорва моллари мавжудлиги ҳақидаги икки хил маълумотномани комиссияга тақдим қилинганлиги асос бўлган ва ушбу ҳолат бўйича сиз ҳамда бошқаларга нисбатан 2006 йилнинг 5 январь куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаркатлари олиб борилган.

Ўтказилган тергов давомида аниқланишича, комиссияга тақдим қилинган ва сизнинг номингизга 2005 йилнинг 15 декабрь куни берилган 105/073 сонли маълумотнома "Каттаминг" ҚФЙ котиби А.Баҳриддинов томонидан сохталаштирилиб, тендер танловидаги рақобатчингиз Ф.Оллоёровга берилган ва унинг томонидан комиссияга тақдим қилинган. Шу боис, жиноят иши бўйича олиб борилган тергов ҳаракатлари жараёнида ишнинг сизга нисбатан бўлган қисмида жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли, ЎзР ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилган ва ҳозирда мазкур маълумотномани сохталаштирган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал қилинмоқда".

Рақибининг "қинғир ҳаракати" туфайли айбсиз айбдорга айланиб қолган Н.Мусаев ушбу хатни ўқиб, кўнгли тоғдек кўтарилди. Ниҳоят, ҳақиқат қарор топганидан мамнун бўлиб, яна туман ҳокимлигига борди. Аммо туман ҳокимининг қарорига асосан, "30-лойиҳа"даги ер аллақачон Ф.Оллоёровга бериб бўлинганди.

Биз мазкур масалага аниқлик киритиш мақсадида туман ҳокими П.Ўсаров ҳузурида бўлдик.

— Хатога йўл қўйилгани аниқ. Аммо мен суд ҳукмисиз ўз қароримни бекор қилолмайман, — деди у хотиржам оҳангда.

— Ноҳақлик бўлгани аниқку?

— Тартиб-қоида шунақа. Аввал суд бир қарорга келиши лозим. Сўнгра...

Ниҳоят, суд ҳам бўлиб ўтди ва беш қўлдай аён ишни қайта кўриб чиқиш учун яна туман прокуратурасига йўллади.

Тўғри, суд ўз ваколатига кўра ана шундай қарорга келишга ҳақли. Аммо мавжуд ҳолат аниқ ва равшан. ҚФЙ котиби Абдусалим Баҳриддинов "30-лойиҳа" талабгорларидан бири Ф.Оллоёровнинг акаси, А.Баҳриддиновнинг қудаси Райимберди Оллоёровнинг "илтимоси"га кўра Н.Мусаев эгалигидаги қорамоллар сони ҳақида сохта маълумот ёзиб берган. Буни А.Баҳриддинов тергов чоғида ҳам, суд жараёнида ҳам тан олган. Демак, Неъматулло Мусаев қуда-андалар "келишуви"нинг қурбонига айланган. Тамом-вассалом!

Лекин, афсуски, гап бу ерда "ноҳақлик қурбони" бўлган Н.Мусаев ҳақида эмас, балки мансабидан фойдаланиб, жиноий ишга қўл урган А.Баҳриддинов ва уни ушбу жиноятга қўл уришга ундаган шахслар ҳақида кетаяпти. Яъни суд прокуратура терговчисининг ишнинг Райимберди Оллоёров ва Фахриддин Оллоёровларга тегишли қисми ҳақидаги қарорини бекор қилишни лозим, деб топаяпти.

Масала равшан. Тергов яна давом этади. Сўнгра суд уни яна қайта кўриб чиқади. Вақт эса ўтаверади. Бу жараён қанча давом этишини ҳозир айтиш қийин.

Хўш, бундай ҳолатда аризачи Н.Мусаев нима қилсин? У, аввало, ўзгалар қилмиши учун ерсиз қолди. Тендер танлови учун масъул ҳисобланган амалдорлар фаолиятига на прокуратура, на суд ҳуқуқий баҳо бермади. Ваҳоланки, юқорида юз берган ҳолатни комиссия аъзоларининг ўзлари аниқлаб, асосий талабгорни танловдан чиқариб юбориш ўрнига уни холисона ўтказиб, ундан кейин тегишли ҳужжатларни прокуратурага юбориши ҳам мумкин эди-ку? Ёки уларнинг бундай ваколатлари йўқмиди? Бор эди. Бор бўлганда ҳам комиссия тегишли ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, ҳеч бир камчилик йўқлигига ишонч ҳосил қилганидан кейингина уни расмийлаштириши лозим эди. Баҳсли ҳолат юзага келганини била туриб, "30-лойиҳа"даги ерни Оллоёровга шошилинч тақдим этган ҳокимнинг саҳийлиги-чи?

Тўғри, қишлоқ хўжалигида ҳар бир кун ғанимат. Ер тезроқ ўз эгасини топиши ва экин мавсумига тайёрланиши лозим. Лекин бу — давлат ерини шубҳали ҳаракатлар содир этган шахсга қўшқўллаб топшириш мумкин, дегани эмас, албатта. Президент Фармони, ҳукумат қарори асосида обрў-эътиборли инсонлар, бевосита ҳокимлик вакилларидан иборат ваколатли комиссия ташкил этилишидан мақсад ҳам аслида танловларнинг холис ўтишини таъминлаш эди. Бироқ юқоридаги ҳолатда комиссия аъзолари ўз вазифаларини ҳалол ва пок адо этмаганлари ўз-ўзидан кўриниб турибди ва улар бунинг жавобини беришлари керак.

Биз юқорида номлари тилга олинган ҳар икки танлов қатнашчисининг комиссияга тақдим этган ҳужжатларини синчиклаб ўрганиб чиқдик. Ф.Оллоёровга 65,6 балл қўйилишининг талай шубҳали томонлари мавжуд. Бундан ташқари, у айни пайтда АТ "Пахтабанк"нинг Самарқанд вилояти, Пайшанба бўлимига қарашли "Зарафшон" мини банки мудири вазифасида ишлайди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан эса, лавозимдор шахслар, хусусан, бевосита пул ва пулга оид ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлганлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас. Яна билмадик...

ОДАМИЙЛИК ОЛАМИ

Эзгулик ва ёвузлик, тўғрилик ва эгрилик, ростгўйлик ва ёлғончилик олам яралганидан буён курашиб келади. Агар биз "ва"дан олдин санаб ўтган кучлар ҳамиша ва осонликча ғолиб бўлаверганида эди, уларнинг кураши кураш бўлмас, алломалар бу тушунчалар тўғрисида бош қотириб, муносабат билдириб ўтирмасдилар.

«Не десанг, чин дегил..»

■ **Сиддиқ МЎМИН**

Табиат ва жамиятнинг азалий муаммоси бўлмиш бундай оқ ва қора ранглар улуғ алломаларимизни ҳеч қачон бефарқ қолдирмаган. Жумладан, ҳазрат Алишер Навоий "Хамса"нинг "Ҳайратул-аброр" достонида шу мавзуга доир "Ростлик таърифида" деган махсус боб ҳам ажратган. Қуйида мана шу ва бундан кейинги бобда илгари сурилган ғоялар ҳақида мухтасар фикр юритамиз.

Улуғ мутафаккирнинг фикрича, ростлик борлиқ уйининг тўғри устунидир. Ул уйнинг шаъбистони бурчагида бу ростлик шами (нур) мажлисни безатади. Ёлғон эса эгри, нопок одамга ўхшайди. У хазина устида аждаҳодек ҳалқа бўлиб ётса ҳам уни ўлдириш зарур.

Тўғри, рост одам беташвиш бўлади. Ҳар ким ўзига тўғриликни одат қилганидан кейин чархнинг тескари айлангани билан унинг нима иши бор?!

Айвонда ёнаётган шамнинг бўйи тўғри бўлгани сабабли, у тун қоронғусидаги базмнинг маҳбубасига айланди. Парвона эгри учиш қилиб, кўп айлангани учун охири шам ўтига урилиб ёниб кетди.

— Одамнинг ўзи билан сўзи бир бўлиши, яъни сўзи тўғри одамнинг ўзи ҳам тўғри бўлиши керак:

Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи,
Йўқ сўзники, ҳам сўзию ҳам ўзи.

Киши ёлғончиликни ўзига касб қилиб олмаслиги, гапирса ҳам кам гапириши лозим:

Ҳар киши ёлғонни деса, лек ҳам,
Бўлғай эди кош бу давронда ҳам.

Афсуски, эгрилик, ёлғончилик ғолиб келиб, ростгўйлар хўрланадиган пайтлар ҳам бўлади. Чунки биз шундай қизиқ замон одамларига мубтало бўлганмизки, — дея таъкидлайди Навоий, — уларнинг олдида ростгўйликдан ёмон нарса йўқ. Кимки бу даврда тўғри гапиришга одат қилган бўлса, у камбағаллик, етишмовчиликдан бошқа нарсани билмайди. Бу давр истаги эгрилик бўлгани учун сен ҳақиқатни талаб қилсанг, унга ёқмайсан. Эгрилик, ёлғончилик эса бошга кўтарилади. Салла ҳам чирмаб ўралгани учун бошнинг устига чиқишига лойиқ топилди:

Мунча чирмон била дастордур,
Бош уза чиқмоқ сазовордур.

Бироқ ёлғоннинг умри барибир қисқа. У бир кунмас-бир кун ошкор бўлади. Кимки ёлғон гапиришни одат қилган бўлса, уни эру мусулмон деб бўлмайди:

Улки шиор айлади ёлғон демак,
Бўлмас ани эру мусулмон демак.

Унинг бу ишидан халқ ғофил бўлса ҳам, лекин Тангри бу ҳолдан воқиф:

Ғофил эса халқ бу аҳволдин,
Воқиф эрур Тангри худ ул ҳолдин.

Ёлғончилик билан ном чиқарган одамга ростлик ҳеч қачон қайтиб келмайди. Рост гапирса ҳам халқ унга ишонмайди. Шунинг учун ҳар қандай оғир вазиятда қолганингда ҳам ростни гапиришнинг иложи бўлмаса, ёлғонни ҳам гапирма:

Неча зарурат аро қолғон чоғи,
Чин демас эрсанг, дема ёлғон доғи.

Алишер Навоий "Ҳайратул-аброр"нинг бундан кейинги "Дуррож ва шер" деб номланган бобини ёлғон сўздан — ёлғончиликдан келадиган офат баёнига бағишлайди. Унда дуррож (қирғовул) ёлғончилиги туфайли ўзига дўст тутинган шернинг кўмагидан бенасиб қолиб, овчининг тузоғига илингани ҳикоя қилинади. Бобнинг охирида нима десанг ҳам ростни гапир, ростни куйлаган оҳангларга таҳсин айт, мазмунидаги қуйидаги байтни келтиради:

Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,
Рост наво нағмаға таҳсин дегил.

Улуғ бобокалонимиз ўгитларига амал қилишлик ҳаммамизга насиб этсин.

ФОТОАЙБНОМА

Шоҳи белбоққа бўз ямоқ

ёки Сирғали тумани раҳбарлари диққатига!

Кейинги йилларда мамлакатимиз пойтахти таниб бўлмас даражада ўзгарди. Янги-янги осмонўпар бинолар қад ростлагани, кенг ва равон йўллар, уларни бир-бирига туташтирувчи ажойиб кўприклар қурилгани барчани бирдай хушнуд этмоқда. Шаҳардаги маҳаллалар, айниқса, кўп қаватли турар-жой бинолари, уларнинг ҳовлилари ҳам бундан бор-йўғи икки-уч йил аввалги даражадан бутунлай фарқ қилади. Собиқ ЖЭКлар ўрнида ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида бу ерлардаги манзара ҳам бутунлай ўзгарди.

■ **Шуҳрат ОХУНЖОНОВ, Шуҳрат РАҲИМОВ**

Аммо афсуски, шоҳи белбоққа бўз ямоқ, деганларидай айрим маҳалларда ҳамон қаровсиз ётган жойлар ҳам йўқ эмас. Яқинда Сирғали туманидаги "Сирғали-7", "Сирғали-8" маҳаллаларида бўлганимизда, ачинарли манзараларнинг гувоҳи бўлдик. 7-маҳалла ҳудудидаги ўрта мактаб билан лицей оралиғидаги 2,5-3 гектар қаровсиз ерни ўт-ўлан, тикан босиб ётибди. Қўй-эчкилар ўтлаб юрибди. Майдон четидаги бир пайтлар бошланиб, кейин ўз ҳолига ташлаб қўйилган бинолар узоқдан бойўғлилар маконига ўхшаб кўринади. Чала бинолардан бирининг иккинчи қаватида ўйнаб юрган бошланғич синф ўқувчиларини кўриб, очиғи, қўрқиб кетдик. Худо кўрсатмасин, бирон фалокат юз берса...

— Уларга танбеҳ беравериб, чарчадим, — дейди ҳайратимизни сезган "З-автоулов сақлаш жойи" қоровули Рафаэль Гинеатулин. — Бу ерда 15 йилдан бери ишлайман. Болаларда айб йўқ. Бошқа ўйнайдиган жой бўлмагач, нима ҳам қилишсин. Қўшни "дом"лар оралиғидаги аҳвол бундан ҳам баттар.

Қоровул "йўлланмаси" билан "Сирғали-7"га ҳам ўтдик. Ҳақиқатан ҳам у айтганча бор экан. Майдоннинг бу чети яхшигина ахлатхонага айланиб қолибди. Наҳотки, бир қарич ери ҳисобда бўлган шаҳарда шунча майдон қаровсиз ҳолда ётса, деган ўйда биринчи дучкелган йўловчига мурожаат этдик.

— Мен бу ерда 1993 йилдан бери яшайман, — дейди Комилжон Латипов. — Аҳволни ўнглаш учун маҳалла фаоллари, айниқса, оқсоқолимиз Тоҳир ака Халилов роса ҳаракат қилдилар. Ҳашарлар уюштирилди. Аммо ҳолатни бутунлай яхшилаш учун одам кучидан ташқари техника воситалари ҳам керак-да. Туман раҳбарларидан ёрдам сўрайвериб чарчадик. Бироқ...

— Ушбу ташландиқ жойга спорт мажмуаси қурмоқчи бўлган олийҳиммат одамлар ҳам топилди. Аммо улар таклифи туман мутасаддиларига ёқмади, — дейди Ўтамурод Абдуллаев.

Дастлаб тегишли идораларга учраб, мактаб ва лицейда қанча ўқувчи таълим олиши, маҳаллаларда қанча аҳоли истиқомат қилишини аниқламоқчи бўлдик.

Кейин фикримиздан қайтдик. Рост-да, уч-тўртта рақамни таҳлил этганимиз билан бу ердаги манзара ўзгариб қолармиди?

Йўқ, албатта!

ШЕЪРИЯТ

Тўланбой КАРИМОВ

Ота бирла онадур

Кўзларим оқу қароси ота бирла онадур,
Хаста бу жонлар шифоси ота бирла онадур,
Яхшилик китобидан илму адаблар ўргатиб,
Қиз-ўғилларнинг фидоси ота бирла онадур.

Бирлари хўп элга манзур табаррук ҳожи эди,
Бирлари ҳамма суйган, қизларнинг гултожи эди,
Иккиси ҳам яхши эрди, барча эл рози эди,
Яхшиликлар ибтидоси ота бирла онадур.

Дедилар бизга ҳамиша яхшига бўл ёр, болам,
Ҳам илм бирла ҳунар олмоққа тур тайёр, болам,
Маърифатсиз, ҳам ҳунарсиз юрмоғинг душвор, болам,
Бир умр тилда дуоси ота бирла онадур.

Отажоним сўзлари кетмас қулоғимдан ҳануз,
Дердилар ҳар кимсанинг ўзига хослаб сўзла сўз,
Дўсти нодон чиқса ногоҳ, кўз юмиб, кўнгилни уз,
Қалбимиз сўнмас зиёси ота бирла онадур.

Ота-она измида юрдик, шукур, кам бўлмадик,
Ҳам ҳалол меҳнат ила бепарво, беғам бўлмадик,
Яхшилардан ибрат олдик, хору мулзам бўлмадик,
Бола шоҳ бўлса, гадоси ота бирла онадур.

Ошу нон топсак, баҳам кўрмоққа йўқдир онамиз,
Бағримизни тўлдириб юрмоққа йўқдир отамиз,
Ул муборак изларин энди қайдан топамиз,
Таърифин йўқдир адоси ота бирла онадур.

Бу умр шундоқки, гўё бир ёғиб ўтган булут,
Яхшидан ном қолса гар, эл ичра ҳеч бўлмас унут,
Чунки умринг нур, жилоси ота бирла онадур.

МЕЪЁРДАН ошса ҳар қандай ҳатти-ҳаракат фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЭНЕРГЕТИКА

«Қора олтин» давлатлар сиёсатини белгиламоқда

XX асрнинг иккинчи ярми — XXI аср бошига келиб, энергетика масаласи халқаро муносабатларнинг ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бирига айланди. Айниқса, нефть захираларига тобора ошиб бораётган эҳтиёж қатор давлатларни баъзан кескин рақобат, баъзан эса яқин ҳамкорлик қилишга мажбур этаяпти. Жаҳон бозорларида энергетика ресурсларининг нархи тобора ортиб бориши бу жараённи янада мураккаблаштираяпти. Эътибор берган бўлсангиз, сўнгги йилларда давлат раҳбарлари ташрифларининг, музокараларнинг, халқаро анжуманларнинг кун тартибидаги асосий мавзулардан бири нефтга, умуман энергетик хавфсизлик муаммосига бағишланаяпти.

■ **Шерзод АРАПОВ**

Бошқача қилиб айтганда, муҳим энергетика ресурси ва халқаро савдонинг энг йирик маҳсулоти — "қора олтин" энди айрим давлатлар сиёсатини белгилаяпти.

Манбаларга кўра, бугун бутун дунёда кунига 85 млн. баррелга яқин миқдорда нефть қазиб чиқарилаяпти. Халқаро валюта жамғармасининг ҳисоб-китобига қараганда, 2010 йилга бориб, бу кўрсаткич 92 млн. баррелга етади. 2030 йилда эса давлатларнинг кунлик "истеъмол"и 138 млн. баррелни ташкил этиши мумкин экан. Айни пайтда аниқланган нефть захиралари яна 40-50 йил мобайнида инсоният эҳтиёжларини қондиришга етади. Баъзи мутахассислар яқин келажакда жаҳон бозорларида нефть билан боғлиқ жиддий танқислик кузатилиши эҳтимолдан анча йироқ, деб тахмин қилишаяпти. Лекин бир баррель нефтнинг нархи 70 АҚШ долларидан ошиб кетиши жаҳон иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатиши турган гап.

Нархларнинг ошишига бир қатор иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар сабаб бўлаяпти. Бугунги кунда Техроннинг ядро дастури сабабли Эрон ва Ғарб давлатлари ўртасида вужудга келган кескин қарама-қаршилик жаҳон бозорларидаги нархларда ҳам акс-садо бермоқда.

Жаҳон иқтисодиётида нисбатан янги, қудратли кучлар шаклланаяпти. Бу гап, аввало, Хитой ва Ҳиндистонга тегишлидир. Организмнинг тетиклиги учун қоннинг тез ва кўп айланиши қанчалик муҳим бўлса, иқтисодиётнинг ривожланишида нефть ҳам шундай аҳамиятга эга. Хитойнинг ана шу "қон"га эҳтиёжи йил эмас, кун сайин ортиб бораяпти. Лекин ҳар томондан энергетика захираларини излашга тушган. Хитой раҳбарининг Яқин Шарқ минтақаси, Африка ва Америка қитъаларидаги айрим давлатларга уюштирган сўнгги ташрифлари ҳам асосан энергетика ресурслари билан боғлиқ эди. Хитойнинг нефть истеъмоли бўйича Япония ва Ғарбий Европа давлатларини ортда қолдириб, АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллаши жаҳон нефть нархларига таъсир қилмай қолмади, албатта.

Катта миқдорда нефть экспорт қилувчи давлатлардаги сиёсий беқарорлик ҳам нархларга таъсир кўрсатаяпти. Масалан, сўнгги ойларда Нигериядаги исёнкор гуруҳларнинг нефть конларига мунтазам ҳужумлар уюштиришлари мамлакатда ушбу маҳсулот экспорти ҳажмини 25 фоиз камайтириб юборди. Бундан ташқари, Лотин Америкасида АҚШнинг ташқи иқтисодий сиёсатидан норози давлатлар блоки шаклланмоқда. Вашингтоннинг бутун Америка қитъаси бўйлаб эркин иқтисодий зона тузиш ташаббуси ва бу ташаббусни фақат АҚШ манфаатларигагина хизмат қилади, миллий иқтисодиёт барбод бўлади, дея баҳолаб, унга қаршилик кўрсатаётган давлатларга нисбатан босими жиддий норозиликларга сабаб бўлаяпти. Айни пайтда Венесуэла, Боливия каби давлатларда шу пайтгача трансмиллий корпорацияларга тегишли бўлган нефть конларини давлат ихтиёрига олиш кун тартибидаги энг долзарб масала бўлиб турибди.

Нефтнинг нафақат жаҳон иқтисодиёти, балки сиёсатида ҳам бунчалик катта роль ўйнаши бежиз эмас. "Foreign Policy" журналининг сўнгги – май/июнь сонида нефть билан боғлиқ давлатлараро муносабатларга нисбатан "petropolitics" (нефть сиёсати) сўзи ишлатилган. Унда айтилишича, айнан нефть омили ушбу захираларга эга давлатларни ҳам, уларга эгалик қилмоқчи бўлган давлатларни ҳам маълум қоидалар асосида ўйин қилишга ундаяпти. Муаллиф Томас Фридманнинг фикрича, Эрон, Венесуэла каби давлатлар олиб бораётган сиёсат қайсидир маънода бугунги юқори нефть нархларининг ҳам сабабчиси, ҳам натижаси бўлиб турибди. Яъни, бир томондан, ушбу давлатлар раҳбарларининг АҚШ тимсолидаги Ғарб давлатларига қарши баёнотлари биржаларда нархларнинг "сакраш"ига туртки бўлаётган бўлса, иккинчи томондан, айнан ана шу юқори нархлар уларга ўзларини бу қадар "эркин тутиш" имконини бераяпти.

Юқорида айтилганидек, бундай омилларнинг барчаси давлатларни нефть захиралари учун жиддий рақобатга киришишга мажбур қилаяпти. Хусусан, Марказий Евроосиё, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, МДҲ давлатларида ҳам энергетика захиралари учун кураш геосиёсий воқеалар ривожини белгилаб бераяпти. Биргина 2005-2006 йиллар чегарасида Россия ва Украина ўртасида рўй берган "газ уруши" фикримизни тасдиқлаши мумкин.

Тан олиб айтиш керак: ҳам ўз ресурсларига, ҳам ушбу ресурсларни ташиш тизимига эга Россия ҳозир бир мунча устунликка эга. У МДҲдаги айрим қўшни давлатлардан ҳам захираларини сотиб олади ва Европа давлатларига сотади. Айни пайтда Москва нефть билан бирга газ маҳсулотлари экспорти йўналишларини кенгайтирмоқда. Шарқий Сибирдан Хитойга нефть қувури ўтказиш бўйича келишувларга эришилган. Шунингдек, Россия газини Болтиқ денгизи тубидан қувур орқали ўтказиш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган. Бу лойиҳалар турли кучлар томонидан турлича қабул қилинаяпти. Москвада энергетика ресурслари МДҲ, унга қўшни бўлган мамлакатларга нисбатан сиёсатда бир мунча ишончли восита эканлигини яхши тушунишади. Хусусан, Россия Фанлар академиясига тегишли "Мировая экономика и международные отношения" журналида ёзилишича, "нефть ва газ захиралари МДҲ ҳудудидаги баъзи вазиятларга таъсир кўрсатиш учун Россия қўлида қолган асосий тизгиндир". Ғарбда эса Россиянинг бу ҳаракатларини салбий баҳолашмоқда. "Stratfor" тадқиқот маркази "дунёда энергетика ресурсларига эҳтиёж ортиб бораверiши билан тобора кўплаб давлатлар Россия экспортига боғлиқ бўлиб қолаверадилар" деган хулоса чиқаради. Айни пайтда газга бўлган эҳтиёжининг 25 фоизини Россия экспорти ҳисобига қондирадиган Европа Москвага қарам бўлиб қолишдан чўчийди.

Марказий Осиё ва Каспий денгизи захираларини тақсимлашда ҳамда қазиб чиқаришда АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари Россия билан рақобатга киришмоқда. Хусусан, Боку-Тбилиси-Жейхан лойиҳаси Каспий нефтини Россияни четлаб ўтиб Озарбойжон, ундан Туркия орқали Европага олиб чиқишни кўзда тутади. Албатта, бу билан АҚШ ушбу минтақада жойлашган ёш давлатларнинг "мустақиллигини Россия агрессиясидан ҳимоя қилиш" баҳонасида ўзининг геостратегик мақсадларини амалга оширмоқчи. АҚШлик "экспертлар", агар ёш давлатлар ўз ресурсларини ўзлари сотсалар, кўпроқ фойда олишларини уқтирмоқдалар. Балки, бу баъзи ҳолатларга нисбатан тўғридир. Лекин гўё "меҳрибонлик" қилаётган давлатлар бу билан Россия устунлигини йўққа чиқармоқчилар, холос. Муқобил ҳамкорларга эга бўлиш давлатларга катта танлов имконини беради, албатта. Лекин собиқ иттифоқ меросхўри сифатида Россия минтақамизда энергетика ресурсларини ташиш тизимига эга. Масалан, тўғридан-тўғри денгиз йўлларига чиқиш имкони йўқ Ўзбекистон учун "ЛУКОЙЛ" ва "Газпром" компаниялари орқали энергетика захираларини сотиш анча мақбул эканлигини мутахассислар ҳам таъкидлашади. Хусусан, куни-кеча АҚШ Конгресси Халқаро муносабатлар қўмитасида ҳисобот қилган Карнеги жамғармаси илмий ходими, минтақамиз бўйича мутахассис Марта Брилл Олкот ҳам буни тасдиқлади.

Хуллас, жаҳонда нефтга бўлган қизиқиш ва унга эгалик қилиш учун кураш илғор технологиялари мавжуд давлатларни муқобил энергия манбаларини излашга мажбур қилаяпти. Бу соҳада баъзи бир кичик ютуқлар ҳам бор. Лекин улар ҳозирча нефтнинг ўрнини босишга қодир эмас. Мутахассислар, агар нанотехнологиялар соҳасида инқилоб ясайдиган кашфиётлар қилинмаса, "қора олтин" бундан кейин ҳам жаҳон иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, шу орқали катта сиёсатга таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб қолаверади, деб ҳисоблашмоқда.

БОЛИВИЯ

Боливия президенти Эво Моралес ҳадемай мамлакатда ерни давлат ихтиёрига ўтказишни режалаштирган. Президент қарори парламент томонидан тасдиқлангач, қонун кучга киради. Бу ҳақда Боливия ер ресурслари вазири ўринбосари Алехандро Алмасара сўзларига таяниб, "La Nacion" газетаси хабар тарқатди.

Ер давлат назоратида

— Боливияда юқори давлат лавозимларида бўла туриб, йирик ер майдонларини арзон нархларда сотиб олган одамлар гуруҳи мавжуд. Айни пайтда улар ерларни қиммат нархларда сотиб, чайқовчилик билан шуғулланмоқдалар, — дейди вазир ўринбосари.

Унинг сўзларига кўра, ер ислоҳоти натижасида 10 млн. гектар ер давлат назоратига ўтади. Ўз навбатида уларни ерсиз ҳиндуларга бериш кўзда тутилган.

Маълумотларга кўра, Боливиянинг 28 млн. гектар унумли ери бор. Шундан 87 фоизи йирик заминдорлар қўлида.

Ўтган ҳафтада президент Эво Моралес трансмиллий нефть ва газ компанияларини давлат назоратига олиш ҳақидаги фармонга имзо чекканди. Ҳужжат барча хорижий компанияларнинг ўз мулкларини тезда давлат ихтиёрига топширишларини кўзда тутади.

ЭРОН

Президентга мактуб

"France Presse" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажод америкалик ҳамкасби Жорж Бушга мактуб йўллади. Бу икки давлат ўртасида 1980 йилда дипломатик муносабатлар бузилганидан сўнг биринчи тўғридан-тўғри мулоқотдир.

Мактуб Теҳронда 1981 йилдан буён АҚШ манфаатларини бажараётган Швейцария элчихонаси орқали тақдим этилди. Эрон ҳукуматининг расмий вакили Ғулом Ҳусайн Илҳом айтишича, Аҳмадинажод Бушни "дунёдаги мавжуд вазиятни чуқур таҳлил қилиш, муаммоларнинг келиб чиқишига эътибор бериш ва танг ҳолатдан чиқиш йўлларини таклиф қилишга даъват этган".

АҚШ Теҳронни ядро қуроли яратаяпти, деб айблаяпти ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши орқали унга қарши халқаро санкциялар қўлламоқчи. Ўз навбатида Эрон "қонуний ҳуқуқи"дан ҳеч қачон воз кечмаслигини очиқ айтяпти. Мактуб ёзишдан аввал Аҳмадинажод Эрон Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро битимдан чиқиши мумкинлигини билдирган.

— Агар халқаро битим бирор халқ ҳуқуқларини поймол этадиган бўлса, у ҳолда халқ бу битимни қабул қилмаслиги мумкин, — деган у.

НЕПАЛ

Элчилар чақириб олинади

Associated Press агентлигининг маълум қилишича, бир неча партиялар вакилларидан ташкил топган Непалнинг янги ҳукумати мамлакатнинг чет элдаги 12 элчисини чақириб олиш ҳақида қарор қабул қилган.

Непал ички ишлар вазири Кришан Ситаула Ҳимолай қироллиги вазирлар маҳкамасининг қарорини ўқиб эшиттирди. Қирол Гьянендра даврида АҚШ, Ҳиндистон, Япония, Буюк Британия, Франция ва бошқа давлатларга тайинланган элчилар чақириб олинади.

Эслатиб ўтамиз: яқинда Непалда кўпчилик партиялар иштирокида вазирлар маҳкамаси шакллантирилганди. Унда асосий лавозимлар бош вазир Гирижа Коирала партияси вакилларига тегди.

Қирол Гьянендра 2005 йил февралида вазирлар маҳкамасини истеъфога чиқариб, давлат бошлиғи ваколатларини ўз бўйнига олишини маълум қилганди. Мамлакатда ҳаётни издан чиқариб юборган кўп сонли иш ташлашлар ва оммавий норозилик намойишлари қиролни парламентни тиклашга мажбур этди.

АҚШ

Ғавғолар гирдобида

ёки Бокудаги Америка дипломатларининг тирик "товар" савдоси билан шуғулланганликлари хусусида

Халқимизда «касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деган нақл бор. Унинг нақадар тўғрилигини Озарбойжондаги америкалик дипломатлар кўрсатган "ҳунар" ҳам исботлади. Ваҳоланки, президент Илҳом Алиевнинг Вашингтонга ташрифи арафасида АҚШнинг Озарбойжондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Рино Харниш ҳеч нарса бўлмагандек, мудофаа вазири Сафар Абиев билан икки давлатнинг стратегик ҳамкорлигига оид масалаларни муҳокама этганди, деб хабар беради "Труд" газетаси.

Бироқ зум ўтмай, Рино Харнишнинг фаришта эмаслиги маълум бўлиб қолди. Ҳаммаси элчининг гўёки ватанига қайтаётгани хусусида матбуотда пайдо бўлган маълумотлардан бошланди. Маҳаллий ОАВ бараварига Давлат департаменти нега юқори мартабали дипломатини муддатидан аввал чақириб олаяпти, деган саволни ўртага қўйди. Муҳолиф нашрлар "рангли инқилоб"ни амалга ошириш йўлидаги муваффақиятсизлик бечора Харнишга панд берди, қабилидаги тахминларни илгари сурди. Аслида Федерал қидирув бюроси тирик "товарлар" савдоси билан шуғулланаётган йирик мафия изига тушганди. Маълум бўлишича, серқуёш Озарбойжондан Флоридага навниҳол қизларни фоҳишаликка ёллаш ва олиб бориш бевосита Америка элчихонаси қаноти остида ташкиллаштирилган экан.

Америка терговчилари виза бериш тартиби билан қизиқиб қолишгани борасида миш-миш тарқалган онларда янги шов-шув кўтарилди: Америка элчихонасининг собиқ таржимони Зарифа Жабиева ўз уйида ўлдириб кетилган. Кўп ўтмай, Озарбойжон терговчилари матбуотга номаълум қотил пичоқ билан аёлнинг 50 та жойига жароҳат етказганини хабар қилишди.

Агар таржимон аёлнинг Америка дипломатлари махфий савдосига алоқадорлиги ўрганилаётганини инобатга олсак, вазият бироз ойдинлашади. Жабиева доллар макони Америкада фоҳишабозлик билан шуғулланишга рози бўлган қизларга сохта ҳужжатлар тайёрлашда воситачилик қилган.

Мана шундай одам савдоси билан боғлиқ қабиҳ ишларга аралашиб қолганига қарамай, демократия "ҳимоячиси" бўлмиш Америка элчихонаси одатдагидек таассуф билдиргани йўқ. АҚШнинг Озарбойжондаги элчихонаси жамоатчилик билан алоқалар маркази раҳбари Жонатан Хеник уялмай-нетмай бутунлай тескари баёнот берди: "Озарбойжон қизларининг АҚШда сотилиши билан боғлиқ жиноятнинг фош этилиши ва айбдорларнинг жазоланиши икки мамлакат муносабатларининг юқори даражада эканлигидан далолат беради".

Демак, юқоридагилардан хулоса чиқариб, шуни айтиш мумкинки, бошқаларга демократиядан сабоқ бермоқчи бўлаётган, наркотиклар ва одам савдосига қарши курашда ёрдам таклиф этаётган давлат фуқароларининг ўзлари шундай кўмакка муҳтож эканлар.

ХОЛИС ФИКР

ТАФСИЛОТЛАР

ВОҚЕАЛАР, ТАҲЛИЛЛАР, ХАБАРЛАР

ОДАМ САВДОСИ

СЎНГГИ САҲИФА

ҲЕЧ нарса ўз-ўзидан, ҳаракат ва иродасиз, қурбонсиз ва меҳнатсиз юзага чиқмайди

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ

КАРАТЭ

Ўзбекистон биринчи

5–7 май кунлари Тошкентдаги "Жар" спорт мажмуасида каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Марказий Осиё очиқ чемпионати бўлиб ўтди

Айтиш жоизки, 2004 йили Тошкентда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда республика Каратэ миллий федерацияси томонидан асос солиниб, минтақанинг ёш спортчилари ўртасида ташкиллаштирилган халқаро турнирни Жаҳон Каратэ федерацияси юқори баҳолагач, бундай мусобақаларни ўтказиш анъанага айланди.

■ **Шухрат ХЎЖАЕВ**

— Май ойининг бошида ўтказилган мазкур чемпионатнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, — дейди Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси бош йўриқчиси, бешинчи дан қора белбоғ соҳиби Тимур Муҳамедов, — бу йилги мусобақаларда Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Тожикистон каратэ клублари вакилларидан ташқари, Россия, Афғонистон, Малайзия, Италия ва Эрондан ташриф буюрган ёш спортчилар ҳам иштирок этишди. Чемпионатга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриб, мусобақаларни имкон қадар жаҳон андозалари даражасида ташкил этишга ҳаракат қилдик. Ва, ўйлайманки, ана шу мақсадимизга эришдик. Эътиборли томони шундаки, чемпионатнинг уюштирилиши ҳақида илиқ фикрларини билдирган бир қатор хорижлик мутахассислар, жумладан, Жаҳон анъанавий каратэ федерациялари ассоциацияси вице-президенти Кристиано Радикки, Эрон каратэ делегацияси раҳбари Али Пайдар Мажид ва бошқалар Тошкент шаҳри қитъа ва Жаҳон миқёсида бундан-да нуфузли мусобақаларга бемалол мезбонлик қилишига ишончлари комиллигини таъкидлашди.

Айнан чемпионат баҳсларига тўхталадиган бўлсак, уч кун давом этган жангларда, кутилганидек, ўзбекистонлик каратэчи ўғил ва қизларнинг яккол устунлиги сезилиб турди. Натижада республикамизнинг барча минтақаларидан ташриф буюрган ёш спортчилар узоқ-яқин хориждан келган меҳмонларга деярли имконият қолдирмай, умумжамоа ҳисобида тенгсиз деб топилдилар. Қатор ёркин ғалабаларга эришиб, асосан вакилларимизга муносиб қаршилик кўрсатган Тожикистон, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатларнинг каратэчилари ҳам совриндорлар қаторидан жой олдилар.

Солих ЗОИР олган суратлар

ЖАҲОН РЕЙТИНГИ

ФУТБОЛ

«Пахтакор» «Динамо»ни ортда қолдирди

«Пахтакор» ва «Машъал» жаҳоннинг энг кучли 350 та клуби қаторидан жой олди

Футбол мухлисларига аён: Осиё Чемпионлар лигасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб келаётган икки жамоа — Тошкентнинг "Пахтакор" ва Муборакнинг "Машъал" клублари ўтган ҳафтада мазкур мусобақанинг 5-тур учрашувлари доирасида кутилган натижаларга эриша олишмади.

Пойтахтликлар сафарда Сурияннинг "Ал Иттиҳод" жамоасидан 1:2 ҳисобда мағлубиятга учраган бўлсалар, қашқадарёликлар Қаршида Ироқнинг "Ал Минаа" клубига қарши тўп суриб, муроса йўлини танладилар (2:2). Натижада "Пахтакор" 17 май куни "Ал Қадасия" (Қувайт) жамоаси устидан ғалаба қозонгандагина чоракфиналга йўл оладиган бўлди. "Машъал" эса Чемпионлар лигасидаги дебютини гуруҳдан чиқмаган ҳолда якунлади.

Шунга қарамай, яқинда Футбол тарихи ва статистикаси халқаро федерацияси — IFFHS мазкур клублар ихлосмандларини хушнуд этадиган маълумотни тарқатди. Эълон қилинган рейтингга кўра, "Пахтакор" ва "Машъал" жаҳоннинг энг кучли 350 та футбол клуби қаторидан жой олганлиги маълум бўлди. Эътиборли томони шундаки, ҳар икки клуб аввалги кўрсаткичларини бирмунча яхшилаган. Масалан, 101 очко тўплаган амалдаги чемпионимиз 33 поғона кўтарилган ҳолда Озарбайжоннинг "Нефтчи"си билан бирга 146-ўринни эгаллаб турган бўлса, 72 очко жамлаган "Машъал" 387-ўриндан 290-ўринга кўтарилиб, кўрсаткичларни яхшилаш борасида (97 поғона) "Пахтакор"дан ўтиб кетди. Ўз навбатида жамоаларимиз собиқ иттифоқ республикаларининг "Рубин" (Қозон, 313-ўрин, 69,5 очко), "Динамо" (Тбилиси, 332-ўрин, 67 очко), "Сконто" (Латвия, 337-ўрин, 66-ўрин) ва бошқа клубларини ортда қолдирганларини айтиб ўтиш жоиз.

Рўйхатнинг юқорисида Европа жамоалари ҳукмронлик қилаётганлиги ҳеч кимни ажаблантирмаса керак. Жумладан, жаҳоннинг энг кучли беш клублари қаторидан Англиянинг "Ливерпуль" (338 очко), Италиянинг "Интер" (337) ва "Рома" (276), Испаниянинг "Барселона" (278) ва Германиянинг "Бавария" жамоалари ўрин олган. Бразилия чемпионати вакили "Сан Пауло"га (266) олтинчи ўрин насиб этган.

БОКС

Келиб чиқиши мексикалик, аммо АҚШда ўсиб-улғайгани боис, ушбу давлат шарафини ҳимоя қилувчи чарм қўлқоп устаси 2004 йили Бернард Хопкинсга қарши жангда мағлубиятга учраганди.

«Тилла бола» яна чемпион

Машҳур боксчи Оскар де ла Хойя WBC йўналиши бўйича чемпионлик унвонини қўлга киритди

■ **Аброр ТОЖИБОЕВ**

Даставвал тенг курашлар остида кечган мазкур беллашув 9-раундда, Хопкинс унинг нақ жигарига кучли зарба берганидан сўнг тўхтатилганди.

Ачинарлиси — ана шу жангдан кейин де ла Хойя яна икки марта кетма-кет (Шейн Мозли ва Феликс Тринидадга) ютказди. Айнан шу фурсатдан фойдаланган рақиблар ҳар хил йўллар билан мухлисларга "Тилла бола" нафақага чиқадиган пайт келганини уқтирмоқчи бўлишди.

Бироқ ўтган ҳафта ўша "бола" фаолиятни якунлашга ҳали эрталигини амалда исботлади. Никарагуалик Рикардо Майоргага қарши яримўрта вазнда WBC йўналиши бўйича чемпионлик камари учун ўтказилган жанг Оскар учун ниҳоятда муваффақиятли якунланди.

Бир эмас, икки эмас, нақд олти вазн бўйича собиқ жаҳон чемпиони де ла Хойя биринчи раунддаёқ рақибига кетма-кет зарба бериб, амалдаги чемпионни нокдаун ҳолатига тушириб қўйди. Кейинги раундларда асосий вақтни енгил ҳаракатлар ёрдамида Майоргадан қочиб юришга сарфлаган америкалик боксчи бир неча марта қарши ҳужум уюштиришга эришди. Олтинчи раундда эса яна рингга қулаган никарагуалик боксчи ўрнидан туришга куч топа олмади.

Шу тариқа "Тилла бола" ўз обрўйини тиклаб, мухлислари олдидаги икки йиллик қарзини узди.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

15- 21 майда

ҚЎЙ. Ҳафта давомида жамоатчилик ишларидаги фаоллигингизни ошириб, иш жойингиздаги самарадорликни яхшилашга эришасиз.Билиб-билмай содир этиб қўйган ножўя ишларингизни тўғрилаганингиздан сўнг кўнглингиз анча таскин топади.

БУЗОҚ. Келаси ҳафтадаги муҳим тадбирларда иштирок этаётганингизда у ерда қатнашган эътиборли кишиларнинг "этагидан маҳкам ушлаб" олишга ҳаракат қилинг. Зеро, улар ёрдамида сизни анчадан бери қийнаб келаётган муаммолар ҳал бўлади.

ЭГИЗАКЛАР. Ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолган бўлсангиз-да, буни ҳаммага достон қилиш ниятидан қайтинг. Сабр-тоқат билан озгина ҳаракат қилсангиз, ҳамма ишларингиз жой-жойига тушади. Сешанба куни манфаатли келишувларга имзо чекишингиз кутилмоқда.

ҚИСҚИЧБАҚА. Соҳангиз бўйича маълум даражада тажриба орттирган бўлсангиз, мазкур ҳафтада иш жойингизда вужудга келган фавқулодда вазиятдан чиқиш йўлини топиб, олқишлар оласиз. Пайшанбада узоқ вақт ишлаб чиқилган лойиҳангизни амалга татбиқ этасиз.

АРСЛОН. Ҳар томонлама қулай ҳафта. Шахсий бизнесда ҳам, касбий фаолиятингизда ҳам дадил қадамлар ташлайсиз. Эътиборли томони шундаки, бошингизга омад қуши қўниши мумкин бўлган сешанба ва пайшанба кунлари хайрли ишларга қўл уришингиз учун қулай имконият яратилади.

ПАРИЗОД. Ишга алоқадор янги таклифларни қабул этиш ёки этмаслик ўзингизга ҳавола. Ҳафта давомида ён-атрофингизда ва умуман бутун дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб туришга, бошқача айтганда, ҳаётдан ортда қолмасликка ҳаракат қилинг.

ТАРОЗИ. Ҳафта ўртасидаги хизмат сафарингиз ғоят самарали ўтиши кутилмоқда. Бир неча жойда ишлайдиган "тарози"лар мартабаларининг кўтарилишини истасалар, қўшимча ишларни вақтинча тўхтатиб, жамики эътиборини асосий иш жойига қаратгани маъқул.

ЧАЁН. Ҳамма ишни уддалаяпман, деб кибр-ҳавога берилиб кетманг. Акс ҳолда кутилмаганда тўғри жойда ҳам қоқилиб, кўпчилик олдида изза бўлиб қолишингиз мумкин. Кийим-кечак харид қилмоқчи бўлсангиз, ўзингизга мосини қидириб, узоққа бориб юрмасдан, яқинроқдаги бозорга бораверинг.

ЎҚОТАР. Тунлар қисқариб, кунлар анча узайди. Шундай экан, бундан буён дангасаликни йиғиштириб, уйқудан барвақтроқ туришга, ишни эртароқ бошлашга ҳаракат қилинг. Умуман олганда, бу ҳафта кайфиятингизни кўтарадиган воқеа-ҳодисалар кўп бўлиши кутилмоқда.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Нотаниш кимсалар билан ҳамкорлик қилишга шошилманг. Бўш вақтингизни имкон борича ота-онангиз ва фарзандларингизга бағишланг. Иш жойингиздаги раҳбариятга яхши кўринишни истасангиз, эътирозларингизни вақтинча ичингизда сақлаб туринг. Сукут билан кўп нарсага эришиш мумкинлигини эсдан чиқарманг.

ҚОВҒА. Ишларингиз бошқалар ҳавас қилгудек даражада юришиб кетади. Чоршанба куни узоқда яшайдиган дўсту биродарларингиз билан алоқа ўрнатишингиз, жумада эса ўзингиз учун ниҳоятда зарур бўлган нарсани харид қилишингиз кутилмоқда.

БАЛИҚ. Деярли бир ҳафта вақтингиз аввал бериб қўйган ваъдаларингизни бажариш учун кетади. Пулингиз бўлса ҳам қарз берманг. Ёдингиздан чиқмасин: қарздордан пулингизни сўраб, икки одамнинг кайфиятини бузгандан кўра, ўша одамга аввалдан пул бермай, ёмон кўринганингиз дурустроқ.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қўмита раисининг ўринбосари Қиёмиддин НАЗАРОВга онаси **ТУРСУНОЙ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Қиёмиддин НАЗАРОВга волидаи муҳтарамаси **ТУРСУНОЙ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Мухаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Аъзамжон РАҲМАНОВ
Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шухрат НОРГИТОВ
Шухрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ
Шаҳзод НАЗАРОВ
Шухрат ОХУНЖОНОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
Т. МИРҲОДИЕВ
Ш. ПАРПИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-766
Тираж: 16824

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ килиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

©
XASR

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ASR EXPRESS MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)151-29-52.
E-mail: milapress@yahoo.com

РЕКЛАМА